

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

“АВТОМАТИКА ВА ЭЛЕКТРОТЕХНОЛОГИЯ” ФАКУЛЬТЕТИ

“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ” КАФЕДРАСИ

“Тасдиқлайман”
“Автоматика ва электротехнология”
факультети декани
доц. Н.Тўйчибоев

“ _____ ” _____ 2012

“Ҳимояга қўйилди”
“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит”
кафедраси мудири профессор
А.Абдуллаев

“ _____ ” _____ 2012

БАНКЛАРДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИ
мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БАЖАРДИ: “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” йуналиши 4 курс 2-гуруҳ
талабаси Маткаримов Зоҳидилло

ИЛМИЙ РАҲБАР: П.Чинбердиев

ТАҚРИЗЧИЛАР: 1. ОАТБ “Микрокредитбанк” балиқчи филиали
2. ОАТБ “Агробанк” балиқчи филиали

Банкларда асосий воситалар ҳисоби

Режа

Кириш

1 – боб. Тижорат банкларида асосий воситалар ҳисобини ташкил қилиш ва таҳлилининг назарий асослари

1.1. Республика иқтисодиётида тижорат банкларининг тутган ўрни ва улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар.

1.2. ОАТБ «Микрокредитбанк»нинг ташкил этилиши ва унинг фаолияти

1.3. Тижорат банкларида асосий воситалар ҳисобини ташкил этишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари

2 – боб. ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида асосий воситалар ҳаракати ҳисоби

2.1. Асосий воситаларни қабул қилиш тартиби ва ҳисоби

2.2. Асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш тартиби ва ҳисоби

2.3. Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ҳисоби

2.4. Асосий воситаларнинг техник ҳолати ва ҳаракати таҳлили

3 – боб. ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида асосий воситаларни баҳолаш ва улар тўғрисидаги маълумотларни очиб бериш

3.1. Асосий воситаларни баҳолаш

3.2. Асосий воситаларни қайта баҳолаш ва ҳисобда акс эттириш

3.3. Асосий воситаларнинг тўлиқлиги ва бутлигини таъминлаш

3.4. Асосий воситалар тўғрисидаги маълумотларни очиб бериш

Хулоса ва таклифлар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда Ўзбекистонда иқтисодий ривожлантиришда ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тўхтовсиз амалга оширишда тижорат банкларининг ўрни ва аҳамияти каттадир. Тижорат банклари томонидан юридик ва жисмоний шахслар кўрсатаётган хизматлари натижасида субъектларнинг ҳисоб-китобларини ўз вақтида амалга ошириши учун имконият яратилади. Шунингдек, тижорат банкларининг Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожланишида ҳиссасини каттадир.

Ўзбекистон Президенти И Каримов ўз маърузасида: “2011 йилда банкларнинг капиталлашуви, уларнинг барқарорлиги ва ликвидлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган изчил ва аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди. Охирги беш йил давомида мамлакатимиз банк сектори капиталининг етарлилик даражаси банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан 8 фоиз этиб белгиланган халқаро меъёрдан уч баробар кўп бўлган даражани ташкил этмоқда”¹.

Маълумки, хўжалик юритувчи субъектлар каби тижорат банклари ўз фаолиятларини амалга ошириш, функцияларини бажариш ва фойда олишлари учун моддий - техник базага эга бўлишлари, яъни етарли асосий воситалар билан таъминланган бўлишлари лозим.

Асосий воситалар бир йилдан ортиқ муддатда фойдаланишга мўлжалланган моддий активлар бўлиб, улар банк фаолиятида банк хизматларини кўрсатиш жараёнида маъмурий мақсадлар ва ижарага бериш учун ишлатилади.

Банкларда асосий воситалар ҳисобини ташкил қилиш юзасидан дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва илмий ишлар ёзилганлигига қарамасдан,

¹ 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Президент Ислам Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь

Республика иқтисодиётининг жадал ривожланиб бориши, ҳисоб-китоб ишларини эркин рақобатга мослашуви натижасида банкларда асосий воситалар ҳисобини ташкил қилиш юзасидан кўплаб изланишлар олиб борилишини талаб қилмоқда.

Демак, юқорида келтирилганларга асосланиб айтиш мумкинки, бугунги кунда “Банкларда асосий воситалар ҳисоби ва таҳлили” мавзуси долзарб мавзулардан бири бўлиб ҳисоблаади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Банкларда асосий воситалар ҳисоби ва таҳлили мавзуси доимий равишда тадқиқотчи олимларнинг диққат марказида бўлган. Ушбу масаланинг айрим жиҳатлари ривожланган давлатлар олимларидан Россиялик таниқли олим, профессор О.И.Лаврушин, Жаҳон Тиклаш ва Тараққиёт банкининг етакчи экспертлари бўлган К.Барлтроп ва Д.Мак Нотон, шунингдек, Ўзбекистон олимлари К. Н. Наврўзова, Ф. Абдувахидов, З.А. Умаров, К.Н. Джураевлар ва бошқаларнинг дарслик ва ўқув қўлланмаларида ўз аксини топган.

Битирув малакавий иши мавзусининг мақсади иқтисодиётни модернизациялаш шароитида банкларда асосий воситалар ҳисобини ташкил қилиш ва ҳисобини юритиш, таҳлил қилиш орқали асосий воситалар билан таъминланганлигини баҳолашдан иборатдир.

Битирув малаквий ишининг объекти битирув малакави ишининг объекти сифатида ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиали танлаб олинди. Шунингдек, ишда мазкур тижорат банкининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларидаги маълумотлардан кенг фойдаланилди.

Битирув малакавий ишининг услуб ва услубияти Битирув малакавий ишни ёзиш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Вазирлар маҳкамаси Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Низомлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқармасининг Низоми ва Йўриқномалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов асарлари, профессор олимларнинг мавзу доирасида олиб борган тадқиқот ишларидан кенг фойдаланилди.

Битирув малакавий ишининг ҳажми Битирув малакавий иши кириш қисми, асосий қисм, хулоса ва таклифлар, ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув малакавий ишининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси, мақсади, объекти, услуб ва услубиёти ва ҳажми кўрсатилган.

Битирув малакавий ишининг биринчи бобида “Тижорат банкларида асосий воситалар ҳисобини ташкил қилиш ва таҳлилининг назарий асослари” бўйича Республика иқтисодиётида тижорат банкларининг тутган ўрни ва улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар, «Микрокредитбанк»нинг ташкил этилиши ва унинг фаолияти, тижорат банкларида асосий воситалар ҳисобини ташкил этишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари, асосий воситаларни таҳлил қилишнинг аҳамияти ва вазифалари очиб берилди.

Битирув малакавий ишининг иккинчи бобида “ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида асосий воситалар ҳаракати ҳисоби” юзасидан асосий воситаларни қабул қилиш тартиби ва ҳисоби, асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш тартиби ва ҳисоби, асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ҳисоби ўрганилиб, тижорат банкларида асосий воситаларнинг техник ҳолати ва ҳаракати таҳлили амалга оширилди.

Битирув малакавий ишининг учинчи боби “ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида асосий воситалар баҳолаш ва улар бўйича маълумотларни очиб бериш”да асосий воситаларни баҳолаш, асосий воситаларни қайта баҳолаш ва ҳисобда акс эттириш, асосий воситаларнинг тўлиқлиги ва бутлигини таъминлаш, асосий воситалар тўғрисидаги маълумотларни очиб бериш тартиби ёритиб берилди.

Хулоса ва таклифлар қисмида битирув малакавий ишини ёзиш натижасида эришилган хулоса ва амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

1 - боб. Тижорат банкларида асосий воситалар ҳисобини ташкил қилиш ва таҳлилининг назарий асослари

1.1. Республика иқтисодиётида тижорат банкларининг тутган ўрни ва улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар.

Ватанимиз Ўзбекистон ривожланаётган давлатлар қаторидан ўрин олиб борар экан, иқтисодиётимизни ривожланишида банкларнинг тутган ўрни ва аҳамияти каттадир. Банклар Республикамизда фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларга, яъни юридик ва жисмоний шахсларга ўз фаолиятига тегишли бўлган хизматларни кўрсатади.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банклар турли мулк шаклига асосланган бўлиб, уларнинг аксарияти акциядорлик тижорат банклари кўринишида ташкил этилган. Тижорат банкининг бошқаруви ва унинг раиси банк фаолиятини амалга оширади ва бевосита раҳбарлик қилади.

Тижорат банклари мулкчилик асосларига кўра тўртта турга бўлинади:

- 1) Давлат тижорат банклари;
- 2) Акциядорлик тижорат банклари;
- 3) Хусусий тижорат банклари;
- 4) Қўшма тижорат банклари.

Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банки тўғрисида”ги, “Банklar ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунлари ва Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган Йўриқномаларига асосан ташкил қилинади.

Банк ўз функцияларини бажариши учун моддий - техник базага эга, яъни етарли асосий воситалар билан таъминланган бўлиши лозим. Асосий воситалар бир йилдан ортиқ муддатда фойдаланишга мўлжалланган моддий активлар бўлиб, улар банк фаолиятида банк хизматларини кўрсатиш жараёнида маъмурий мақсадлар ва ижарага бериш учун ишлатилади.

Банк – тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти ҳисобланган қуйидаги фаолиятни амалга оширадиган юридик шахс ҳисобланади:

- юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан кредит бериш ёки инвестиция қилиш учун фойдаланиш;
- тўловларни амалга ошириш².

Тижорат банклари – пул муомаласини бошқарувчи ташкилот бўлиб, юридик ва жисмоний шахсларнинг тўловлари ҳамда ҳисоб - китобларини бажарувчи ташкилот ҳисобланади. Тижорат банклари юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисобварағини (счётини) юритиш билан бирга уларнинг пул маблағларини сақлаш, шунингдек, кредитлаш билан боғлиқ муомалаларни амалга оширадилар.

Республикамиз мустақилликка эришган даврнинг дастлабки кунларидан бошлаб, барча корхоналар ва ташкилотлар қаторида тижорат банкларининг эркин фаолият юритиши учун кенг шароит ҳамда имкониятлар яратиб берилди.

Президентимиз И. Каримов ўз асаарида таъкидлаганларидек: “Шу ўринда Ўзбекистонда молиявий - иқтисодий, бюджет, банк - кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганини ва зарур ресурслар базаси мавжуд эканини таъкидлаш жоиз³”.

Мустақилликка эришган кундан бошлаб, Республикамизда тижорат банклари ва уларнинг фаолиятини амалга ошириш, уларда бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳамда бухгалтерия ишларини ташкил қилиш юзасидан Қонунлар ва Низомлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасининг 21 декабрь 1995 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки

2 Ўзбекистон Республикасининг 25 апрель 1996 йилдаги “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 1-модда.

3 Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 4-б.

тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг 25 апрель 1996 йилдаги “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг 30 август 1996 йилдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг 16 декабрь 2005 йилдаги “Электрон тўловлар тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг 29 апрель 2004 йилдаги “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг 11 декабрь 2003 йилдаги “Электрон рақамли имзо тўғрисида⁴”ги ва Ўзбекистон Республикасининг 30 август 2003 йилдаги “Банк сирини тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2008 йил 3 майдаги 11/5 - сонли Қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 11 июлда 1834 - сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган. “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 22 май 1999 йилда №290 билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 13 июль 1999 йилда №773 рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси⁵” шулар жумласидандир.

Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида: “Банкларнинг кредит ва инвестиция фаолиятида ҳам ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. 2010 йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 35 фоизга кўпайди. Шуниси эътиборга лойиқки, 2010 йилнинг охиридаги ҳолат бўйича ички манбалар ҳисобидан берилган кредитларнинг

⁴ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2004 йил, 12-сон, 12-модда

⁵ Янги таҳрири ЎзР АВ 13.08.2004 й. 773-17-сон билан рўйхатга олинган ЎзР МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ тасдиқланган.

тижорат банклари умумий кредит портфелидаги ялпи улуши 85,1 фоизни ташкил этди” деб айтдилар.

Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 4 – “Банк операциялари” номли моддасида банклар ўз фаолиятларида қуйидаги банк операцияларини амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган: жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан вакил банкларнинг ҳисобварақларини очиш ва юритиш, ҳисобварақлар бўйича ҳисоб - китоб қилиш; омонатларни жалб этиш; кредитларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан ўз номидан кредитлар бериш.

Шунингдек, ушбу моддада банклар бошқа турдаги яъни қуйидаги операцияларни амалга оширишлари кўрсатиб ўтилган: маблағ эгаси ёки маблағни тасарруф этувчи билан тузилган шартномага биноан пул маблағларини бошқариш; чет эл валютасини нақд пул ва нақд бўлмаган пул шаклларида юридик ҳамда жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш; пул маблағлари, векселлар, тўлов ва ҳисоб - китоб ҳужжатларини инкассо қилиш; учинчи шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш; учинчи шахслардан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш; қимматли қоғозлар чиқариш, харид қилиш, сотиш, ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, миждоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, қимматли қоғозлар билан бошқа операцияларни бажариш; банк фаолияти юзасидан маслаҳат ва ахборот хизмати кўрсатиш; жисмоний ва юридик шахсларга ҳужжатлар ва бошқа бойликларни сақлаш учун махсус бинолар ёки улар ичидаги пўлат сандиқларни ижарага бериш; молиявий лизинг; халқаро банк амалиётига мувофиқ, лицензияда махсус кўрсатилган бошқа операциялар.

Тижорат банклари маҳсулот ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи ва бюджет ташкилотлари ва жисмоний шахсларга ҳам ўз хизматини тақдим қилади. Бундай хизматлар қаторига қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Тўлов воситасини амалга оширади;
2. Хизматлар кўрсатади.

Банклар томонидан амалга ошираладиган фаолиятнинг таркибий қисми ҳисобланган хизматлар кўрсатишни қуйидаги 1 – жавдалда келтирилганидек туркумлаш мумкин.

1 – жадвал

Тижорат банклари томонидан амалга ошираладиган фаолиятнинг таркибий қисми ҳисобланган хизматларнинг туркумланиши

№	Банк хизматлари	Хизматларнинг туркумланиши
1	Банк фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари	1. Ўз фаолиятига мос хизматлар. 2. Ўз фаолиятига мос бўлмаган хизматлар
2	Хизматларни оловчи субъектлар	1. Ҳуқуқий шахслар 2. Жисмоний шахслар
3	Банк ресурсларини шаклланиши ва жойлашиш усули	1. Актив операциялар 2. Пассив операциялар
4	Кўрсатилган хизмат учун тўланиши	1. Пулли хизмат. 2. Бепул хизмат
5	Моддий неъматларнинг ҳаракатига боғлиқлиги	1. Моддий неъматларнинг ҳаракатига боғлиқ бўлган хизматлар. 2. Соф хизматлар.

Тижорат банклари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб ўз фаолиятига мос хизматларга банк бажарадиган учта операцияни келтириш мумкин:

1. Депозитлар бўйича операциялар.
2. Кредит операциялари.
3. Ҳисоб - китоб операциялари.

1. Депозит операциялари банк мижозларининг омонатларини жойлаштириш билан боғлиқ. Маълумки одамлар ўз маблағларини ҳар хил

талон - тарожликлардан асраш мақсадида банкларда сақлашган. Кейинчалик эса пул маблағларининг қадрсизланишининг олдини олиш учун банкларга қўйишган бўлса, ҳозирги пайтда эса даромад олиш учун банкка қўйишмоқда. Чунки, банкка қўйилган пул маблағлари учун ссуда фоизларини оладилар.

2. Кредит операциялари банкнинг асосий муомаласи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам банкни кредит муассасаси деб аталади. Чунки, банклар ўз даромадларининг асосий қисмини кредит бериш эвазига топадилар.

3. Ҳисоб - китоб операциялари нақд пул билан ва нақд пулсиз шаклларда амалга оширилади. Мижозларнинг талаби ёки топшириғига асосан банклар уларга ҳар хил счётлар очиши мумкин. Бу счётларга пул маблағларининг келиб тушуши ёки бу счётлардан тўлов муомалаларини амалга ошириш мумкин. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоб - китоб муносабатларида банклар воситачилик вазифасини бажаради.

Юқорида келтирилган учта хизмат турини кўп ҳолларда традицион банк операцияси деб ҳам аташади. Чунки, шундай учта хизмат турини бир вақтда бажара олмаган банкни, банк деб аташ мумкин эмас. Маълумки, шу учта хизмат туридан бирини бошқа кредит муассасалари ҳам бажара олади. Мисол тариқасида келтиришимиз мумкинки, почта пул маблағларини ўтказиш ёки етказиб бериши мумкин. Ҳар қандай ташкилот ҳам бўш пул маблағлари ҳисобидан кредит бериши мумкин, шунингдек, кредит уюшмалари омонатларни олиш эвазига фоиз тўлаши мумкин.

Ўз фаолиятига мос бўлмаган ёки нотрадицион хизмат турларига қўшимча операциялар киради. Уларнинг таркибига қуйидаги муомалаларни киритишимиз мумкин: валюта, қимматли қоғозлар, олтин, қимматбаҳо металллар ва қўйилмалар бўйича ошириладиган муомалалар.

Тижорат банклари ўз фаолияти давомида бўш пул маблағларини йиғади ва уларни буюртмачилар ўртасида қайтариш шарти билан тақсимлайди. Банк кўрсатадиган хизматлар актив ва пассив шаклларда амалга оширилади.

Актив операцияларнинг кенг ёйилган турларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ссуда;
- инвестиция;
- депозит;
- бошқа чет эл валюталари.

Пассив операцияларнинг қуйидаги тўртта шакли мавжуд:

- тижорат банки қимматли қоғозларнинг биринчи эмиссияси;
- фойдадан фондларни тузиш ва уларни кўпайтириш учун ажратмалар қилиш;
- бошқа юридик шахслардан кредитлар олиш;
- депозит операциялари.

Тижорат банклари актив операцияларни амалга ошириш орқали ўзининг ва четдан жалб қилинган ресурсларини турли хўжалик юритувчи субъектлар ёки аҳолининг эҳтиёжлари учун жойлаштиради. Пассив муомалалар ёрдамида банклар ўз ресурсларини шакллантиради.

Тижорат банклари кўрсатаётган хизматлари учун тўланишига қараб пулли ва бепул хизмат турларига бўлинади. Яъни, банклар ўзи баъзи томонларни ҳисобга олган ҳолда ҳисоб - китоб, депозит ва кредит операцияларининг таркибидаги баъзи хизмат турларига ҳақ тўлашни белгиламаслиги мумкин.

Моддий неъматларнинг ҳаракати билан боғлиқлигига қараб банк хизматлари қуйидагича туркумланади:

- Унинг ҳаракати билан боғлиқ бўлган хизматлар;
- Соф хизматлар.

Тижорат банклари ўзларининг пул операциялари билан моддий неъматларнинг яратилишига сабаб бўлади ва бунда янги қўшимча қийматлар яратишади.

Соф хизматлар банклар томонидан бевосита моддий ишлаб чиқариш жараёни билан банд бўлган хўжалик субъектларига ёки жисмоний шахсларнинг талабларини қондириш учун кўрсатилади.

Демак, юқорида келтирилганлар асосида хулоса қилиб айтиш мумкинки, Республикамиз иқтисодиётини ривожланиши ва унинг раванг топишида банкларнинг тутган ўрни катта бўлиб, улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар натижасида нафақат ўзларини, балки хўжалик юритувчи субъектларни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишига ёрдам беради, ҳамда маҳсулотларни такрор ишлаб чиқариш имкониятларини яратади.

1.2. ОАТБ «Микрокредитбанк»нинг ташкил этилиши ва унинг фаолияти

Бугунги кунда иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни бекиёс.

Ҳар қандай иқтисодиётнинг иқтисодий жиҳатдан юксалишини микро ва кичик бизнесиз тасаввур қилиш қийин. Чунки микро ва кичик корхоналар иқтисодиётнинг асосий таянчи бўлиб ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам ҳозирги вақтда республикада аҳолининг фаол қисми ўз бизнесини ташкил этиши ва бошлаши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган микромолиявий хизматларнинг бир қатор афзалликлари мавжуд.

Микромолияшнинг Республикада иқтисодиётидаги ўрни бекиёс бўлиб, унинг мақсад ва вазифаларини икки йўналишда яъни **иқтисодий ва ижтимоий йўналишда** кўришимиз мумкин. Жумладан:

Иқтисодий йўналишда қўйилган асосий мақсад-микрокорхоналарнинг бошланғич маблағини шакллантириш ва айланма маблағини тўлдириш манбъаси, банклардан кейинги кредитларни олиш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кредит тарихини шакллантириш механизми, шунингдек ўзгаришларга тез мослашувчан, ўзини-ўзи қоплайдиган молиявий ташкилотларни ташкил қилиш ҳисобланади.

Ижтимоий йўналишда қўйилган асосий мақсад эса - ишсизликка барҳам бериш, аҳолининг ижтимоий ҳимояланмаган, кам таъминланган қисмига ёрдам, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаоллик даражасини ошириш ҳисобланади.

Бу йўналишда бугунги кунда фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги ”Микрокредитбанк акциядорлик-тижорат банкини ташкил этиш тўғрисидаги” ПФ-3750 сонли Фармони билан ташкил этилган “Микрокредитбанк” очик акциядорлик тижорат банки алоҳида ўрин тутмоқда. Айниқса 2008 йил 10 ноябрда “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилиниши банкнинг

тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтирди.

Энди банкнинг асосий мақсад ва вазифалари ҳамда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида қисқача тўхтаб ўтишнинг лозим топдик.

Биринчидан, банкнинг асосий вазифалари айнан юқорида қайд этиб ўтилган Фармон билан белгилаб берилди. Жумладан, банкнинг асосий вазифалари этиб кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларига, фермер ва деҳқон хўжаликларига ўзларининг ишлаб чиқариш фаолиятини мустақамлаш ва кенгайтиришлари учун микрокредитлар бериш, кенг қўламдаги банк ҳамда консалтинг хизматлари кўрсатиш;

микрокредитлар бериш ҳамда микролизинг йўли билан микрофирмалар, оилавий бизнес ва касаначилик ривожланишини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳисобига тадбиркорлик соҳаси кенгайтиришига кўмаклашиш;

айниқса қишлоқ жойларда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш учун қўшимча имкониятларни таъминлайдиган филиаллар ва мини-банклар тизими орқали молиявий инфратузилмани янада ривожлантириш;

ҳамда микрокредит бериш ва микролизинг бўйича хизматлар кўрсатишни кенгайтириш учун халқаро молия институтлари ҳамда етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестиция ва грантларини жалб этиш шулар жумласидандир.

Иккинчидан, Ҳурматли юртбошимиз томонидан 2008 йил 10 ноябрда “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкнинг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилинди. Ушбу Фармон билан соҳани ривожлантириш учун катта имтиёз ва қулайликлар яратилди. Ушбу Фармон асосида банк устав капитали 72 миллиард. сўмга кўпайтирилди ва 150 миллиард. сўмга етказилди.

Учинчидан, айти кунда турли аҳоли пунктларида банкнинг 82 филиали, 281 мини банки ва 20 та агентлиги фаолият юритмоқда.

Тўртинчидан, ишбилармонларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш учун банкда барча имкониятлар яратилган. Микросармоялардан фойдаланиш мақсадида ташриф буюрган тадбиркорлик субъектлари махсус сертификатга эга бўлган банк ходимлари томонидан ташкил этилган **2 та**

базавий семинарида ўқитилади. Уларда тадбиркорлик, микросармоялардан яхши самаралар олиш бўйича кўникмалар ҳосил қилинади. Муҳими, бизнес-режа тузиш бўйича амалий ёрдам кўрсатилади. Микросармоялар ажратиш ишлари ниҳоятда соддалаштирилган. Тадбиркор ўз аризасига пул ҳаракатлари кўрсатилган бизнес-режа, бухгалтерия ҳисоботлари ва таъминот ҳужжатларини илова қилади, холос.

Бешинчидан, Кичик бизнес учун микромолиявий хизматлар имтиёзли фоизларда амалга оширилади. Берилаётган бошланғич сармояларнинг **йиллик фоизи атиги 3 фоизни**, корхоналарни замонавий техника билан жиҳозлаш учун кўрсатилаётган микролизинг хизматлари **5 фоизни**, корхоналар фаолиятини кенгайтириш учун ажратилаётган микрокредитларнинг фоиз ставкаси эса йиллик **6 фоизни** ташкил этмоқда.

1.3. Тижорат банкларида асосий воситалар ҳисобини ташкил этишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари

Банкларда бухгалтерия ҳисобини тўғри юритиш муҳим аҳамиятга эга. Банкларда бухгалтерия ҳисоби энг аввало ўзининг оперативлиги билан ажралиб туради. Чунки соат 16 гача операцион кун мобайнида амалга ошириладиган операциялар ўша кунлик клиентларнинг аналитик ҳисобидаги шахсий счетларда акс эттирилади ва кундалик баланс орқали умумлаштириш усули билан назорат қилинади. Бу пул маблағларининг сақланиши, кундалик пул обороти ва ҳисоб-китоб кредит муносабатларининг ҳолати, касса режасининг бажарилишини назорат қилиш имкониятини бериш билан биргаликда пул муомаласи ва кредит ресурсларининг оборотини тартибга солишни таъминлайди.

Банкларда бухгалтерия ҳисобининг объектлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- юридик ва жисмоний шахслардан пул ҳужжатларини қабул қилиш ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш;
- ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилиш;
- ўз муддатида қайтарилмаган банк кредитларини ҳисобини юритиш;
- муддатли мажбуриятларнинг ҳисоби;
- банклараро операциялар буйича ва филиаллараро оборотлар ҳисоби;
- турли пунктлардаги тўловчи ва олувчиларнинг маблағлари ҳисоби;
- берилган кредитлар ҳисоби.

Шунингдек, бухгалтерия ҳисобининг асосий объектиларидан асосий воситалар, номоддий активлар, материаллар, арзон баҳоли ва тез тўзувчи буюмлар, кассадаги пул маблағлари, қимматли қоғозлар, қимматли материаллар, чет эл валюталари ва улар билан амалга ошириладиган операциялар; Бюджет билан бўладиган ҳисоб-китоблар, капитал қўйилмаларни молиялаштириш, банкнинг даромадлари ва харажатлари ва бошқалар ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобининг объектларини ҳисобда акс эттириш ва банк фаолиятининг асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш учун зарур бўлган маълумотларни олиш учун уларга ўлчов бирлиги (натура, меҳнат ва пул) қўлланилади.

Банкларда бухгалтерия ҳисоби олдига қуйидаги асосий вазифалар қўйилган:

- ҳисоб-китоблардаги маблағлар айланишини тезлаштириш, миждозларга тез ва пухта хизмат крсатиш, ҳисоб-китоб, касса, валюта, кредит ҳамда бошқа банк операцияларини тўғри бажариш;
- бажарилган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида ўз вақтида ҳамда аниқ акс эттирилишига эришиш;
- банкдан чиқаётган ҳужжатларни тегишлича расмийлаштириш ва бунинг натижасида улардан бу ҳужжатлар борган жойда фойдаланишини енгиллаштириш, шунингдек, бошқа банкларда ушбу ҳужжатлар билан операциялар бажарилаётганда ҳамда улар хизмат кўрсатувчи миждозлар ҳисоби юритилаётганда йўл қўйилиши мумкин булган хатоларнинг, қонунга ҳилоф ҳатти-ҳаракатининг олдини олиш;
- банкдан пул маблағлари, моддий бойликлар, шунингдек, қатъий ҳисобда турадиган бланкалар кам чиқиши, ортиқча ҳамда қонунга ҳилоф равишда сарфланишининг олдини олиш;
- банк мансабдор шахсларининг ўрнатилган тартибга зид равишда банк операцияларини амалга оширилганликларини, қимматликлар ва ҳужжатларни йўқотиб қўйиш ҳамда шу каби бошқа ҳолларда уларнинг жавобгарлигини ҳужжатлар билан асослаш;
- операцияларни амалга ошириш ва расмийлаштиришни маълумотлар тўплаш орқали қонунийлиги ҳамда тўғрилигини текшириш имкониятини берилиши;
- банкда иш куни тартибига қатъий риоя этилиши;
- замонавий компьютер техникаси воситаларидан кенг кўламда фойдаланиш асосида банк операцияларини амалга ошириш улар ҳисобини

юритиш ҳамда ҳисоботлар тузиш учун меҳнат ва маблағ сарфини камайтириш.

Ўзбекистон Республикасининг 30 август 1996 йилдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунида бухгалтерия ҳисобининг мақсади ва вазифалари, бухгалтерия ҳисоби субъектлари, бухгалтерия ҳисоби объектлари, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш, бухгалтерия ҳисобининг асосий қоидалари, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, имзо ҳуқуқи, бошланғич ҳисоб ҳужжатлари, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, активлар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш, активлар ва мажбуриятларни баҳолаш, даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш, хусусий капитални ҳисобга олиш, гаровни ҳисобга олиш, молиявий ҳисобот, умумлаштирилган молиявий ҳисобот, молиявий ҳисоботнинг ҳисобот даврлари ва бошқалар алоҳида моддаларда кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуннинг 4 – “Бухгалтерия ҳисоби объектлари” номли моддасида: “Асосий ва жорий активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, заҳиралар, даромадлар ва харажатлар, фойда, зарарлар ҳамда уларнинг ҳаракати билан боғлиқ хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг объектларидир. Бухгалтерия ҳисобининг объектлари жамлама ҳисоб варақларида акс эттирилади. Аналитик ҳисобни юритиш тартиби бухгалтерия ҳисоби субъекти томонидан мустақил равишда белгиланади” - дейилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2008 йил 3 майдаги 11/5 - сонли Қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 11 июлда 1834 - сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган. “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида” ги Йўриқнома ишлаб чиқилди.

Ушбу Йўриқнома банклар учун мажбурий бўлган бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартибини

белгилайди. Йўриқномада банкларда бухгалтерия ҳисоби ишларини юритиш ва бухгалтерия аппаратини ташкил қилиш тамойиллари батафсил келтирилган. Шунингдек, миждларга хизмат кўрсатишда ҳужжатлар айланмасини йўлга қўйиш усуллари тўғрисида кўрсатмалар берилган. Банк операциялари ҳисобини юритиш ва уларни назорат қилиш қоидалари ҳамда бажарилган банк операцияларининг қонунийлиги бўйича жавобгарлик ҳам белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 22 май 1999 йилда №290 билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 13 июль 1999 йилда №773 рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси⁶” ишлаб чиқилди. Ушбу ҳисобварақлар режаси бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига мослаштириш мақсадида қатор йиллар давомида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди ва киритилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 17 декабрь 2004 йилда 1434 - сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 27 ноябрь 2004 йилдаги 25/8 - сон Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси банкларида асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқноманинг (янги таҳрири) ишлаб чиқилди. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида", "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида" ва "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида асосий воситаларнинг ҳисобини Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ ҳолда юритиш тартибини белгилайди.

Мазкур Низомда 1 – бандида: “Асосий воситалар - бу:

⁶ Янги таҳрири ЎЗР АВ 13.08.2004 й. 773-17-сон билан рўйхатга олинган ЎЗР МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ тасдиқланган

- а) банк фаолиятида банк хизматларини кўрсатиш жараёнида, ижарага бериш учун ёки маъмурий мақсадлар учун фойдаланиладиган;
- б) бир йилдан ортиқ вақт мобайнида фойдаланиш кўзда тутилган моддий активлар” дейилган.

Низомга кўра асосий воситаларга бинолар, иншоотлар, асбоб - ускуна ва приборлар, компьютерлар, мебель, ҳисоблаш техникаси, транспорт воситалари, фойдаланиш ҳуқуқларида харид қилинган ер, кутубхона фонди, қуришда бино қийматига киритилмаган сигнализация ва телефонизация объектлари - қийматидан қатъи назар ва ҳаказолар киритилади.

Тижорат банкларида ҳисоб - китоб ишлари банкларнинг вужудга келган даврдан бошлаб амалга оширилди ва такомиллаштирилмоқда. Республикамиз мустақилликка эришгандан кундан бошлаб тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш бўйича бир қанча ўқув қўлланмалар тайёрланди. Мисол тариқасида Наврўзова К. Н. томонидан ёзилган “Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва операцион техника”⁷ номли ўқув қўлланма, Абдувахидов Ф. томонидан ёзилган “Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби”⁸ номли ўқув қўлланма, Абдувахидов Ф., Умаров З.А., Джураев К.Н. “Банкларда бухгалтерия ҳисоби”⁹ номли ўқув қўлланмаларни келтириш мумкин. Ушбу ўқув қўлланмаларда банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш асослари, банк операцияларини расмийлаштириш ва уларда ҳужжатлар айланишини назорат қилиш, ҳисоб - китоб, касса, асосий воситалар ва номоддий активларни ҳисобга олиш, кредит, факторинг, лизинг, чет эл валютаси, қимматли қоғозлар, молиявий натижалар ҳисоби ҳамда молиявий ҳисоботларни тузиш, уларни тақдим этиш каби мавзулар кенг ёритилиб берилган. Мазкур ўқув қўлланмалар Давлат таълим стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган ўқув дастурлари асосида тайёрланган.

⁷ Наврўзова К. Н. томонидан ёзилган “Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва операцион техника” ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2010 йил, 280 бет.

⁸ Абдувахидов Ф. “Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби”. ТДИУ нашриёти. ўқув қўлланма. -Т.: 2010 й, 244 бет.

⁹ Абдувахидов Ф., Умаров З.А., Джураев К.Н. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. ТДИУ нашриёти. ўқув қўлланма. -Т.: 2010 й, 244 бет.

Асосий воситаларнинг ҳисобини ташкил қилиш банк фаолиятида алоҳида ўрин эгаллайди. Асосий воситалар ҳисобининг вазифалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Асосий воситалар ҳаракатини тўғри ва ўз вақтида ҳужжатлаштириш ва улар бўйича ҳисобни ташкил этиш.
2. Асосий воситалар қийматини қайта баҳолаб бориш.
3. Асосий воситалар тўлиқ сақланиши устидан назорат олиб бориш.
4. Ўз вақтида эскиришни ҳисоблаб бориш.

Хулоса қилиб айтиш лозимки, тижорат банкларида асосий воситалар ҳисобини ташкил қилиш бўйича Республикамизда назарий ва ҳуқуқий асос яратилган.

2 – боб. ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида асосий воситалар ҳаракати ҳисоби

2.1. Асосий воситаларни қабул қилиш тартиби ва ҳисоби

ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида асосий воситалар, бино (иншоотлар)ни қурилиши (реконструкцияси) билан боғлиқ бўлган лойиҳа - кидирув ишлари, қурилиш материаллари, меҳнат, харажатлар ҳамда асосий воситалар сотиб олиш билан боғлиқ бўлган бошқа капиталлаштириладиган харажатлар қийматини тўлиқ ёки қисман олдиндан тўлаш қуйидаги бухгалтерия ёзувлари билан расмийлаштирилади:

Асосий воситаларни сотиб олиш учун мол етказиб берувчиларга олдиндан пул ўтказиб берилганда:

Дебет 19909 "Кўрсатилган хизматлар ва товар - моддий қийматликлар учун тўланган маблағлар" ҳисобварағи

Кредит 20208 “Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларнинг талаб қилиб олигунча сақланадиган депозитлари” ҳисобварағи

Сотиб олинган бино мол етказиб берувчилардан тўғридан тўғри фойдаланишга қабул қилинганда:

Дебет 16509 "Банкнинг иморатлари - Бинолар ва бошқа иморатлар" ҳисобварағи

Кредит 19909 "Кўрсатилган хизматлар ва товар - моддий қийматликлар учун тўланган маблағлар" ҳисобварағи

Мол етказиб берувчилардан транспорт воситаси қабул қилинганда:
Дебет 16529 “Транспорт воситалари” ҳисобварағи

Кредит 19909 "Кўрсатилган хизматлар ва товар - моддий қийматликлар учун тўланган маблағлар" ҳисобварағи

ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида сотиб олинган, реконструкция қилиниши талаб қилинадиган бинолар реконструкция тугаллангунга қадар 16505 "Тугалланмаган қурилиш" ҳисобварағида алоҳида шахсий ҳисобварақ бўйича ҳисобга олинади.

Бино (иншоотлар)ни қурилиши (реконструкцияси) билан боғлиқ бўлган лойиха - қидирув ишлари, қурилиш материаллари, меҳнат, харажатлар қиймати қабул қилиш далолатномаларига асосан қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан ҳисобварақларда акс эттирилади:

Дебет 16505 "Тугалланмаган қурилиш" ҳисобварағи

Кредит 19909 "Кўрсатилган хизматлар ва товар - моддий қийматликлар учун тўланган маблағлар" ҳисобварағи

Бинолар (иншоотлар) фойдаланишга тайёр ҳолга келганда уларнинг қиймати тегишли қабул қилиш далолатномалари асосида 16509 "Банкнинг иморатлари - Бинолар ва бошқа иморатлар" ҳисобварағига кирим қилинади.

Қурилиш ёки реконструкция харажатлари сметасида мебель ва жиҳозлар сотиб олиниши назарда тутилган бўлса, қабул қилиш далолатномаларида уларнинг қиймати умумий қийматдан ажратиб кўрсатилади ва тўлиқ рўйхати илова қилинади. Бу операцияларга қуйидагича бухгалтерия ёзувлари берилади:

1. Бинолар қиймати суммасига:

Дебет 16509 "Банкнинг иморатлари - Бинолар ва бошқа иморатлар" ҳисобварағи

Кредит 16505 "Тугалланмаган қурилиш" ҳисобварағи

2. Мебель ва жиҳозлар суммасига:

Дебет 16535 "Мебель, мослама ва жиҳозлар" ҳисобварағи

Кредит 16505 "Тугалланмаган қурилиш" ҳисобварағи

ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида банк моддий активларни кирим қилгандан сўнг тўловни амалга оширса, кирим хужжатлари асосида қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади:

1. Транспорт воситалари мол етказиб берувчилардан қабул қилинганда:

Дебет 16529 "Транспорт воситалари" ҳисобварағи, ёки

Кредит 29802 "Кўрсатилган хизматлар ва моддий товар қимматликлари учун тўланадиган маблағлар ҳисоб - китоби" ҳисобварағи

2. Транспорт воситаси учун тўлов амалга оширилганда:

Дебет 29802 "Кўрсатилган хизматлар ва моддий товар қимматликлари учун тўланадиган маблағлар ҳисоб - китоби" ҳисобварағи

Кредит 20208 "Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларнинг талаб қилиб олигунча сақланадиган депозитлари" ҳисобварағи

Амалиётда асосий воситаларни текинга олиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Асосий воситаларни ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида текинга олинганда қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади:

1. Текинга олинган асосий воситаларнинг ҳаққоний қийматига:

Дебет 16535 "Мебель, мослама ва жиҳозлар" ҳисобварағи

Кредит 45994 "Бошқа фоизсиз даромадлар" ҳисобварағи

Бугунги кунда банклар (амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджетга солиқлар тўлашдан озод қилинган) солиқ солишдан бўшатиш маблағлар ҳисобига банк инфратузилмасини ривожлантириш доирасида асосий воситаларни харид қилиб, уларнинг қийматини 30903 "Умумий захира фонди" баланс ҳисобварағининг "Банк инфратузилмасини ривожлантиришга сарфланган маблағлар" шахсий ҳисобварағига киритган бўлсалар, қуйидагича тесқари бухгалтерия ёзуви берилиб тўғриланади:

Дебет 16535 "Мебель, мослама ва жиҳозлар" ҳисобварағи

Дебет 30903 "Умумий захира фонди" ҳисобварағи

Кредит 30903 "Умумий захира фонди" ҳисобварағи

Биз бугунги кунда ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида асосий воситаларни қабул қилиш жараёнида бериладиган бухгалтерия ёзувларига тўхталиб ўтдик. Демак, бугунги кунда ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида асосий воситаларни қабул қилиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2008 йил 3 майдаги 11/5 - сонли Қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 11 июлда 1834 - сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган. "Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида" ги Йўриқнома, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви

томонидан 22 май 1999 йилда №290 билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 13 июль 1999 йилда №773 рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси¹⁰”си, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 17 декабрь 2004 йилда 1434 - сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 27 ноябрь 2004 йилдаги 25/8 - сон Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси банкларида асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқномадан тўлиқ фойдаланган ҳолда бухгалтерия ёзуви берилар экан.

¹⁰ Янги таҳрири ЎзР АВ 13.08.2004 й. 773-17-сон билан рўйхатга олинган ЎзР МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ тасдиқланган

2.2. Асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш тартиби ва ҳисоби

ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида ердан ташқари барча асосий воситалар чекланган фойдаланиш муддатига эга. Фойдаланиш муддатининг чекланганлиги сабабли ушбу асосий воситаларнинг амортизацияланадиган қиймати бутун фойдали хизмат муддати мобайнида амортизация ажратмалари кўринишида банк харажатларига тақсимланиши лозим.

ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида асосий воситаларнинг хизмат муддати икки асосий сабаб:

1. Жисмоний эскириш;
2. Маънавий эскириши билан чекланади.

Асосий воситалар бўйича амортизация ажратмалари улар фойдаланишга топширилган ойдан кейинги ойдан бошлаб ҳисобланади, ҳамда ҳисобдан чиқарилиш вақтига қадар давом эттирилади. Амортизация харажатлари активнинг фойдали хизмат муддати мобайнида муттасил ҳар ойда акс эттирилади.

Активнинг фойдали хизмат муддати банк учун ушбу активдан олинishi тахмин қилинаётган фойдани баҳолаш йўли билан белгиланади.

Фойдали хизмат муддати унинг ичида актив ишлатиладиган йилларда, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар ҳажмларида, йўл юришда ўлчаниши мумкин. Активнинг фойдали хизмат муддатини белгилашда қуйидаги барча омиллар ҳисобга олинishi лозим:

- банк томонидан активни ишлатишнинг кутилаётган ҳажми, активнинг тахмин қилинаётган қуввати ёки физик унумдорлиги бўйича баҳоланади;
- тахмин қилинаётган жисмонан эскириши;
- активнинг маънавий эскириши ушбу тур активнинг ишлаб чиқариш жараёнининг ўзгаришлари ёки такомиллашуви натижасида маълум бўлади;
- активдан фойдаланишдаги юридик ёки айнан шунга ўхшаш чекловлар, бу фойдаланиш муддатини чеклаш ёки ижара.

Асосий воситаларнинг фойдали хизмат муддати амалга оширилган активнинг фойдали хизмат муддатини узайтирувчи кейинги харажатларни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек ушбу муддатни қисқартирувчи технологик ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда банк томонидан қайта кўриб чиқиши мумкин. Банклар асосий воситаларнинг тугатиш қиймати ва фойдали хизмат муддатини ҳеч бўлмаганда ҳар йилнинг охирида қайта кўриб чиқади.

Фойдали хизмат муддати асосий восита ҳолатини дастлаб ҳисобланган нормативлардан юқори даражада яхшилайдиган кейинги харажатлар натижасида узайтирилиши мумкин, яъни капитал таъмирлаш ва бошқалар. асосий воситаларнинг фойдали хизмат муддати ва тегишлича, амортизация меъёри ҳисоб сиёсати ва бухгалтерия баҳоларидаги ўзгаришлар бўйича МҲХС талабларига мувофиқ жорий ва келгуси даврлар учун тузатилади.

ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида асоси воситаларнинг тугатиш қиймати аҳамиятли бўлганда, у харид санасида ёки активларнинг ҳар қандай аввалги баҳоланиш санасида белгиланади. Тугатиш қиймати активнинг фойдали хизмат муддати охирида тугатиш бўйича кутилаётган харажатлар суммасига камайтирилиши лозим.

Қуйидаги омиллар асоси воситаларнинг амортизация (эскириш) суммасини аниқлашда ўз таъсирини кўрсатади:

- бошланғич қиймат;
- тугатиш қиймати;
- тахмин қилинаётган фойдали хизмат муддати;
- амортизация (эскириш)ни ҳисоблаш усули.

Амортизация қуйидаги усулларни қўллаш йўли билан ҳисобланади:

- 1) тенг маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усули;
- 2) бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда эскиришни ҳисоблаш усули;
- 3) жадаллаштирилган усуллар:

а) йиллар суммаси усули (кумулятив усул);

б) камайиб борувчи қолдиқ усули.

Асоси воситаларга эскириш ҳисоблашнинг танланган усули ҳисоб сиёсатида белгиланиши ва бир ҳисобот давридан бошқасига изчиллик билан қўлланиши ва йил давомида ўзгартирилимаслиги лозим. Амортизация усулини танлашда фойдаланилаётган объектнинг вазифаси ва мазкур усулни ушбу объектга нисбатан қўллашнинг мақсадга мувофиқлигидан келиб чиқиш керак.

Тенг маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усули ўзгармас эскириш (амортизация) суммасини тенг маромда, асосий воситаларнинг фойдали хизмат муддати мобайнида уларнинг қийматидан келиб чиққан ҳолда тенг улушларда ҳисоблашга асосланади. Бунда қуйидаги формулаларни ишлатиш мақсадга мувофиқ:

$$\text{ЙЭС} = \frac{\text{АҚ}}{100} * \text{А}; \quad \text{АХМ} = \frac{1}{\text{А}} * 100\%; \quad \text{ОЭС} = \frac{\text{АҚ}}{12 * 100} * \text{А},$$

бу ерда:

ЙЭС - йиллик эскириш суммаси;

АҚ - активнинг амортизацияланадиган қиймати;

АХМ - активнинг хизмат муддати;

А - амортизация меъёри;

ОЭС - ойлик эскириш суммаси.

Мисол. ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида автомобилнинг бошланғич қиймати 40000000 сўм; унинг беш йиллик фойдаланиш муддати охиридаги тугатиш қиймати 1000000 сўм. Ушбу ҳолда ҳар йиллик амортизация амортизацияланадиган қийматнинг 20%ини ташкил қилади.

Бу ҳисоб - китоблар қуйидаги тарзда бажарилади:

$$\text{ЙЭС} = \frac{40000000 \text{ сўм.} - 1000000 \text{ сўм.}}{5} = 7800000 \text{ сўм.}$$

Беш йил мобайнида амортизация ҳисобланишини қуйидаги тарзда акс эттириш мумкин (сўмда):

	АБҚ	ЙЭС	Жамланган эскириш	Қолдиқ қиймати
Ҳарид қилиш санаси	40000000	-	-	40000000
1 - йилнинг охири	40000000	7800000	7800000	32200000
2 - йилнинг охири	40000000	7800000	15600000	24400000
3 - йилнинг охири	40000000	7800000	23400000	16600000
4 - йилнинг охири	40000000	7800000	31200000	8800000
5 - йилнинг охири	40000000	7800000	39000000	1000000

ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида автомобилга ҳисобланган амортизацияга қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан банк харажатларига киритилади:

Дебет 56610 “Транспорт воситаларининг эскириши суммаси” ҳисобварағи 7800000 сўм

Кредит 16531 “Транспорт воситаларининг йиғилган эскириш суммаси” ҳисобварағи 7800000 сўм

Бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда эскиришни ҳисоблаш усули амортизация суммасини активнинг тахмин қилинаётган ишлатилиши ёки тахмин қилинаётган унумдорлигидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблашга асосланган.

$$CA = \frac{AQ}{ЧБС} * ДБС:$$

бу ерда:

СА - амортизация суммаси;

АҚ - активнинг амортизацияланадиган қиймати;

ДБС - мазкур даврдаги бирликлар сони;

ЧБС - активнинг бутун фойдали хизмат муддати учун ҳисоблаб чиқилган (чамаланган) бирликлар сони.

ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда эскиришни ҳисоблаш усули амортизация фақат

фойдаланиш натижаси бўлиб ҳисобланишигагина асосланади ва даврнинг бир қисми унинг ҳисобланиш жараёнида бирор - бир роль ўйнамайди.

Мисол. ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида автомобилнинг бошланғич қиймати 40000000 сўм; у 2000000 км йўл юришига мўлжалланган. Тугатиш қиймати - 1000000 сўм. Бир км йўл юришга тўғри келадиган амортизация ажратмаси қуйидаги тарзда аниқланади:

$$\text{ЙЭС} = \frac{40000000 \text{ сўм.} - 1000000 \text{ сўм.}}{2000000} = 19,5 \text{ сўм/км.}$$

Агар фойдаланиш чоғида автомобиль биринчи йилда 400000 км, иккинчи йилда 500000 км, учинчи йил 400000 км, тўртинчи йил 500000 км ва бешинчи йил 200000 км йўл юрган бўлса, амортизация ажратмалари жадвали қуйидаги кўринишга эга бўлади (сўмда):

	АБҚ	Км	ЙЭС	Жамланган эскириш	Қолдиқ қиймати
Ҳарид қилиш санаси	40000000	-	-	-	40000000
1 - йилнинг охири	40000000	400000	7800000	7800000	32200000
2 - йилнинг охири	40000000	500000	9750000	17550000	22450000
3 - йилнинг охири	40000000	400000	7800000	25350000	14650000
4 - йилнинг охири	40000000	500000	9750000	35100000	4900000
5 - йилнинг охири	40000000	200000	3900000	39000000	1000000

ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида автомобилга иккинчи йил учун ҳисобланган амортизацияга қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан банк харажатларига киритилади:

Дебет 56610 “Транспорт воситаларининг эскириши суммаси” ҳисобварағи 9750000 сўм

Кредит 16531 “Транспорт воситаларининг йиғилган эскириш суммаси” ҳисобварағи 9750000 сўм

ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида асосий воситалардан интенсив фойдаланилганда, шунингдек илмий - техникавий жараённинг

катта таъсирида активлар эскиришини жадаллаштирилган амортизация усуллари асосида ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир.

Йиллар суммаси усули ҳисоб - китоб коэффициентида махраж бўлиб ҳисобланган объектнинг хизмат муддати йиллари суммаси билан белгиланади. Ушбу коэффициентнинг суратида объектнинг хизмат муддати охирига қадар қоладиган йиллар сони (тескари тартибда) бўлади.

Мисол. ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида автомобилнинг бошланғич қиймати 40000000 сўм; унинг беш йиллик фойдаланиш муддати охиридаги тугатиш қиймати 10000000 сўм. Автомобилнинг тахмин қилинаётган фойдали хизмат муддати 5 йил. Сонлар - фойдаланиш йиллари суммаси 15 ни ташкил қилади (кумулятив усул):

$$1 + 2 + 3 + 4 + 5 = 15$$

Ҳар бир қасрни 39000000 сўмга тенг (40000000 - 1000000) амортизацияланадиган қийматга кўпайтириш йўли билан йиллик амортизация суммаси аниқланади

Биринчи йили 5/15

Иккинчи йили 4/15

Учинчи йили 3/15

Тўртинчи йили 2/15

Бешинчи йили 1/15.

	АБҚ	ЙЭС	Жамланган эскириш	Қолдиқ қиймати
Ҳарид қилиш санаси	40000000	-	-	40000000
1 - йилнинг охири	40000000	$(5/15 * 39000000)$ = 13000000	13000000	27000000
2 - йилнинг охири	40000000	$(4/15 * 39000000)$ = 10400000	23400000	16600000
3 - йилнинг охири	40000000	$(3/15 * 39000000)$ = 7800000	31200000	8800000
4 - йилнинг охири	40000000	$(2/15 * 39000000)$ = 5200000	36400000	3600000
5 - йилнинг охири	40000000	$(1/15 * 39000000)$ = 2600000	39000000	1000000

ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида автомобилга ҳисобланган амортизацияга қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан банк харажатларига киритилади:

Дебет 56610 “Транспорт воситаларининг эскириши суммаси” ҳисобварағи 13000000 сўм

Кредит 16531 “Транспорт воситаларининг йиғилган эскириш суммаси”
ҳисобварағи 13000000 сўм

Камайиб борувчи қолдиқ усули ҳисобланадиган амортизация суммасини активнинг фойдали хизмат муддати мобайнида камайишини англатади. Ушбу усул йиллар суммаси усулидаги принципга асосланган. Ушбу усулда тенг маромли (тўғри чизикли) усулида фойдаланиладиган меъёрга қараганда икки барабар оширилган амортизация меъёри олинади.

Мисол. ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида автомобилнинг бошланғич қиймати 40000000 сўм. Автомобилнинг тахмин қилинаётган фойдали хизмат муддати 5 йил.

Камайиб борувчи қолдиқ усулида иккиланган ҳисобдан чиқариш меъёри билан амортизация меъёри 40%га (2 x 20%) тенг бўлади. Ушбу 40% қатъий ставка ҳар бир йилнинг охиридаги қолдиқ қийматга кўпайтирилади. Тахмин қилинаётган тугатиш қиймати амортизация ҳисоб - китобида ҳисобга олинмайди, бундан фойдали хизмат муддатининг охириги йили мустасно. Охириги йилда амортизация суммаси буюмнинг қолдиқ қийматини тугатиш қийматиғача камайтириш учун зарур бўлган миқдор билан чекланади.

	АБҚ	ЙЭС	Жамланган эскириш	Қолдиқ қиймати
Ҳарид қилиш санаси	40000000	-	-	40000000
1 - йилнинг охири	40000000	$(40\% * 40000000)$ $= 16000000$	16000000	24000000
2 - йилнинг охири	40000000	$(40\% * 24000000)$ $= 9600000$	25600000	14400000
3 - йилнинг охири	40000000	$(40\% * 14400000)$ $= 5760000$	31360000	8640000
4 - йилнинг охири	40000000	$(40\% * 8640000)$ $= 3456000$	34816000	5184000
5 - йилнинг охири	40000000	4184000	39000000	1000000

ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида автомобилга ҳисобланган амортизацияга қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан банк харажатларига киритилади:

Дебет 56610 “Транспорт воситаларининг эскириши суммаси” ҳисобварағи 13000000 сўм

Кредит 16531 “Транспорт воситаларининг йиғилган эскириш суммаси” ҳисобварағи 13000000 сўм

Асосий воситаларга нисбатан қўлланиладиган амортизация усули вақти - вақти билан қайта кўриб чиқилиши лозим, агарда ушбу активлардан иқтисодий фойда олишнинг тахмин қилинаётган чизмасида сезиларли ўзгаришлар бўлган ҳолда, усул ушбу ўзгаришларни акс эттириш учун ўзгартирилиши ва бухгалтерия баҳоларида ўзгаришлар сифатида акс эттирилиши лозим, жорий ва келгуси даврлар учун амортизацияга эса ҳисоб сиёсати ва бухгалтерия баҳоларидаги ўзгаришлар бўйича МҲХС талабларига мувофиқ тузатиш киритилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда тижорат банкларида ҳам асосий воситаларга амортизация ҳисоблашда хўжалик субъектларидаги каби усуллардан қўлланилади. Бу усулларни қўллаш тижорат банкларида фойдаланишга яроқсиз ҳолга келган асосий воситаларнинг қолдиқ қийматини камайтириш учун замин яратади.

2.3. Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ҳисоби

ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида асосий воситалар балансдан қуйидагилар натижасида ҳисобдан чиқарилади:

- тўлиқ жисмонан ёки маънан эскириши;
- сотилиши;
- текинга берилиши;
- форс - мажор ҳолатларида;
- камомад ёки талафот аниқланганда;
- активдан фойдаланишни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинганда ва унинг чиқиб кетишидан бошқа ҳеч қандай иқтисодий фойда кутилмаганда.

Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши ёки сотилишидан юзага келадиган фойда ёки зарарлар активнинг чиқиб кетиши ёки сотилишидан олинган соф тушум билан унинг соф баланс қиймати ўртасидаги фарк сифатида аниқланади. Чиқиб кетиш ёки сотишдан олинадиган фойда ёки зарарлар актив ҳисобдан чиқарилган пайтда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади.

Фойдаланилиши тўхтатилган ва чиқиб кетиш учун мўлжалланган асосий воситалар активни фаол фойдаланишдан чиқариш санасида уларнинг баланс қиймати бўйича ҳисобга олинади.

ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати уларнинг чиқиб кетишида қуйидаги тарзда аниқланади:

1. Эскириш суммасига:

Дебет 16531 “Транспорт воситаларининг йиғилган эскириш суммаси” ҳисобварағи

Кредит 16529 “Транспорт воситалари” ҳисобварағи

2. Транспорт воситаси бўйича 31501 “Бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолангандаги қўшимча қиймат” ҳисобварағи

Дебет 31501 “Бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолангандаги қўшимча қиймат” ҳисобварағи

Кредит 31203 “Тақсимланмаган фойда” ҳисобварағи.

ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида ҳисобдан чиқариладиган асосий воситалар сотилиши, текинга берилиши ёки тугатилиши мумкин.

ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида ҳисобдан чиқариладиган асосий воситалар сотилганда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари берилади:

1. Тўлов харидорлар томонидан асосий воситалар олингандан сўнг амалга оширилганда:

Дебет 19909 "Кўрсатилган хизматлар ва товар - моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар" ҳисобварағи

Кредит 16529 "Транспорт воситалари" ҳисобварағи

2. Сотилган асосий воситалар учун тўлов келиб тушгандан кейинги бухгалтерия ёзувлари:

Асосий воситани сотиш суммасига:

Дебет 10501 "Бошқа банклардаги вакиллик ҳисобварақлари – Ностро" ҳисобварағи

Кредит 29802 "Кўрсатилган хизматлар ва моддий товар қимматликлари учун тўланадиган маблағлар ҳисоб - китоби" ҳисобварағи

Агар сотиш нархи асосий воситаларнинг қолдиқ қийматидан катта бўлса:

Дебет 29802 "Кўрсатилган хизматлар ва моддий товар қимматликлари учун тўланадиган маблағлар ҳисоб - китоби" ҳисобварағи

Кредит 19909 "Кўрсатилган хизматлар ва товар - моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар" ҳисобварағи

Кредит 45909 "Банк мулкларини сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда" ҳисобварағи

Агар сотиш нархи асосий воситаларнинг баланс қийматидан кичик бўлса:

Дебет 29802 "Кўрсатилган хизматлар ва моддий товар қимматликлари учун тўланадиган маблағлар ҳисоб - китоби" ҳисобварағи

Дебет 55902 "Банк мулкларини сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар" ҳисобварағи

Кредит 19909 "Кўрсатилган хизматлар ва товар - моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар" ҳисобварағи

3. Асосий воситаларни сотиш жараёнида олдиндан тўлов амалга оширилганда:

Асосий воситаларни сотиш суммасига:

Дебет 10501 "Бошқа банклардаги вакиллик ҳисобварақлари – Ностро" ҳисобварағи

Кредит 29802 "Кўрсатилган хизматлар ва моддий товар қимматликлари учун тўланадиган маблағлар ҳисоб - китоби" ҳисобварағи

Агар сотиш баҳоси асосий воситаларнинг қолдиқ қийматидан катта бўлса:

Дебет 29802 "Кўрсатилган хизматлар ва моддий товар қимматликлари учун тўланадиган маблағлар ҳисоб - китоби" ҳисобварағи

Кредит 45909 "Банк мулкларини сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда" ҳисобварағи

Кредит 16529 "Транспорт воситалари" ҳисобварағи

Агар сотиш баҳоси асосий воситаларнинг қолдиқ қийматидан кичик бўлса:

Дебет 29802 "Кўрсатилган хизматлар ва моддий товар қимматликлари учун тўланадиган маблағлар ҳисоб - китоби" ҳисобварағи

Дебет 55902 "Банк мулкларини сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар" ҳисобварағи

Кредит 16529 "Транспорт воситалари" ҳисобварағи

ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида тўлиқ жисмоний ёки маънавий эскирганлиги сабабли яроқсиз ҳолга келган, камомад ёки талафот аниқланганда (айбдор шахслар аниқланмаган ҳолда), форс - мажор ҳолатларида, текинга берилганда асосий воситаларнинг қиймати белгиланган тартибда зарарга ҳисобдан чиқарилади ва қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади:

Асосий воситанинг қолдиқ қиймати суммасига:

Дебет 55902 "Банк мулкларини сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар" ҳисобварағи

Кредит 16535 "Мебель, мослама ва жиҳозлар" ҳисобварағи

Агар асосий воситалар фойдаланишга яроқли бўлса, хизмат муддати тугаганлигига қарамай банк улардан фойдаланишни давом эттириши мумкин. Бунда асосий воситалар асосий воситалар балансдан ҳисобдан чиқарилмайди ва эскириш ҳисобланмайди.

Асосий воситалар банк томонидан корхонанинг устав капиталига улуш сифатида берилганда уларнинг қиймати тегишли асосий воситалар ҳисобварақларидан ҳисобдан чиқарилади. Устав капиталига бериладиган асосий воситанинг ҳаққоний (ҳақиқий) қиймати 15921 "Хусусий корхоналарга инвестиция қилинган хусусий капитал" ҳисобварағига дебетланади.

Битирув малакавий ишида ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида асосий воситаларни чиқиб кетиши юзасидан мисоллар келтириб ўтишни лозим топдик.

Мисол. ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида қолдиқ қиймати 500000 сўм бўлган компьютер 700000 сўмга сотилди ва 40000 сўм миқдорида ҚҚС тўланди.

Компьютерни харидорга жўнатиш пайтида қолдиқ қиймати балансдан ҳисобдан чиқарилади ва куйидагича бухгалтерия ёзуви берилади:

Дебет 19909 "Кўрсатилган хизматлар ва товар - моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар" ҳисобварағи 500000 сўм

Кредит 16535 "Мебель, мослама ва жиҳозлар" ҳисобварағи 500000 сўм

Компьютерни сотиш суммасига:

Дебет 10501 "Бошқа банклардаги вакиллик ҳисобварақлари – Ностро" ҳисобварағи 700000 сўм

Кредит 29802 "Кўрсатилган хизматлар ва моддий товар қимматликлари учун тўланадиган маблағлар ҳисоб - китоби" ҳисобварағи 700000 сўм

Сотилган компьютерга ҚҚС ҳисобланиши:

Дебет 29802 "Кўрсатилган хизматлар ва моддий товар қимматликлари учун тўланадиган маблағлар ҳисоб - китоби" ҳисобварағи 40000 сўм

Кредит 22422 "Бошқа солиқлар ва лицензиялар бўйича ҳисобланган тўловлар" ҳисобварағи 40000 сўм

Ҳисобланган ҚҚС тўланиши:

Дебет 22422 "Бошқа солиқлар ва лицензиялар бўйича ҳисобланган тўловлар" ҳисобварағи 40000 сўм

Кредит 56714 "Солиқ (даромад солиғидан ташқари) ва лицензиялар" ҳисобварағи 40000 сўм

Компьютер сотиш жараёнида ҳисобланган ҚҚС тўлангандан сўнг қолган суммага қўйидагича бухгалтерия ёзуви берилади:

Дебет 29802 "Кўрсатилган хизматлар ва моддий товар қимматликлари учун тўланадиган маблағлар ҳисоб - китоби" ҳисобварағи 660000 сўм

Кредит 19909 "Кўрсатилган хизматлар ва товар - моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар" ҳисобварағи 500000 сўм

Кредит 45909 "Банк мулкларини сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда" ҳисобварағи 160000 сўм.

Хулоса қилиб айтганда, ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида асосий воситаларни сотилиши ёки чиқиб кетиши бўйича ҳисобланган ҚҚС ва бошқалар учун берилган бухгалтерия ёзувлари Йўриномада келтирилганидек амалга оширилади.

2.4. Асосий воситаларнинг техник ҳолати ва ҳаракати таҳлили

Бугунги кунда тижорат банкларининг асосий воситалар билан етарли даражада таъминланганлигини баҳолаш билан бир қаторда, уларнинг техник ҳолатига ҳам баҳо бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Тижорат банкларида мавжуд бўлган асосий воситаларининг таркибида йил давомида ўзгаришлар бўлиб туради. Бунга асосий сабаб, янги асосий воситаларнинг қабул қилиниши туфайли асосий воситалар қиймати ортиб ва эскирган асосий воситаларни сотиш ёки тугатиш натижасида ҳисобдан чиқариш орқали асосий воситаларнинг қиймати камайиб боради. Бундай табиий ҳолатларнинг рўй бериши асосий воситаларнинг техник ҳолатини таҳлил этишни такозо этади. Асосий воситаларнинг техник ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- асосий воситаларнинг яроқлилик даражаси;
- асосий воситаларнинг эскириш даражаси;
- асосий воситаларнинг янгиланиш даражаси.

Қуйидаги 1 - жадвал маълумотларидан фойдаланиб, ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалининг асосий воситаларини техник ҳолатини таҳлил қиламиз.

1 - жадвал

ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида асосий воситаларининг
техник ҳолатини таҳлили

(коэффициенти ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	Фарқи (+; -)
1. Асосий воситаларнинг бошлангич қиймати	6176725,6	8408123,3	+ 2231398,7
2. Асосий воситаларга ҳисобланган эскириш суммаси йигиндиси	3542152,0	4251517,6	+ 709365,6
3. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати	2634673,6	4156606,0	+ 1521932,4
4. Асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти (2*100/1)	57,3	50,6	- 6,7
5. Асосий воситаларнинг яроқлилик коэффициенти (3*100/1)	42,7	49,4	+ 6,7

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида 2011 йилда асосий воситаларнинг бошлангич қиймати 2009 йилдагидан + 2231398,7 минг сўмга ортган. Уларга ҳисобланган эскириш суммасини йигиндиси ҳам + 709365,6 минг сўмга ортган. Натижада асосий воситаларнинг ортишини ҳисобига қолдиқ қиймат ҳам + 1521932,4 минг сўмга ортган. Асосий воситаларнинг эскириш коэффиценти - 6,7 фоизга камайган. Асосий воситаларнинг яроқлилик коэффиценти эса + 6,7 фоизга ортган.

Демак, ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида 2011 йилда асосий воситаларнинг яроқлилик коэффиценти +6,7% га ортган. Бунга асосий сабаб ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида 2011 йилда асосий воситаларнинг бошлангич қиймати 2010 йилдагидан + 2231398,7 минг сўмга ортган. Уларга ҳисобланган эскириш суммасини йигиндиси ҳам + 709365,6 минг сўмга ортган. Натижада асосий воситаларнинг ортишини ҳисобига қолдиқ қиймат ҳам + 1521932,4 минг сўмга ортган.

Асосий воситаларнинг ҳолат кўрсаткичлари уларнинг ҳаракат кўрсаткичларини ўрганиш асосида тўлдирилади. Асосий воситаларнинг ҳаракат кўрсаткичларига уларнинг янгиланиши ва чиқиб кетиш коэффицентлари киради.

Асосий воситаларнинг янгиланиш коэффиценти жорий даврда янгидан киритилган асосий воситалар қийматини асосий воситаларнинг йил охирига бўлган қийматига бўлиш орқали топилади.

Асосий воситаларнинг чиқиб кетиш коэффиценти жорий даврда чиқиб кетган асосий воситалар қийматини уларнинг йил бошига бўлган қийматига бўлиш асосида аниқланади.

Қуйидаги 2 - жадвал маълумотларидан фойдаланиб, ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиали да асосий воситаларнинг ҳаракатини таҳлил қиламиз

ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида асосий воситаларнинг
харакатини таҳлили

(коэффициенти ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	Фарқи (+; -)
1. Асосий воситаларнинг йил бошига ўртача йиллик қиймати	5989899,3	6176725,6	+ 186826,3
2. Янги қабул қилинган асосий воситалар қиймати	418863,5	2823496,7	+ 2404633,2
3. Чикиб кетган асосий воситаларнинг қиймати	232037,2	592199,0	+ 360161,8
4. Асосий воситаларнинг йил охирига ўртача йиллик қиймати	6176725,6	8408123,3	+ 2231398,7
5. Асосий воситаларнинг янгиланиш коэффициенти ($2 * 100 / 4$)	7,0	33,6	+ 26,6
6. Асосий воситаларнинг чикиб кетиш коэффициенти ($3 * 100 / 1$)	3,9	9,6	+ 6,0

5-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида асосий воситаларнинг янгиланиш коэффициенти 2011 йилда 33,6 коэффициент бўлиб, 2010 йилдагидан + 26,6 коэффициентга ортган. Тижорат банкида асосий воситаларнинг чикиб кетиш коэффициенти + 6,0 коэффициентга ортган. Демак, ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида бугунги кунда асосий воситаларнинг янгиланиш коэффициенти чикиб кетиш коэффициентидан 4,4 мартага ортган.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банкларида асосий воситаларнинг техник ҳолати ва ҳаракат кўрсаткичларини таҳлил қилиб бориш билан бир қаторда, банкнинг асосий воситалар билан таъминланганлиги даражасини ҳамда ходимларнинг асосий воситалар билан қуролланганлиги даражасини ҳам таҳлил қилиб бориш мақсадга мувофиқдир.

3 – боб. ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида асосий воситаларни баҳолаш ва улар тўғрисидаги маълумотларни очиб бериш

3.1. Асосий воситаларни баҳолаш

Тижорат банкларида сотиб олинган асосий воситалар балансда уларнинг бошланғич қиймати бўйича акс эттирилади. Сотиб олинган асосий воситаларнинг бошланғич қийматига қуйидаги харажатлар киритилади:

- активларни етказиб берувчиларга ҳамда шартнома бўйича қурилиш - монтаж ишларини бажарганлик учун пудратчиларга тўланадиган суммалар;
- асосий воситалар объектига доир ҳуқуқни сотиб олиш (олиш) муносабати билан амалга оширилган рўйхатдан ўтказиш йиғимлари, давлат божлари (божхона божлари, йиғимлари ва ш.к.) ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар;
- асосий воситалар объектларини сотиб олиш (барпо қилиш) муносабати билан солиқлар ва йиғимлар суммалари (агар улар қопланмаса);
- асосий воситалар объектларини сотиб олиш (барпо қилиш) билан боғлиқ ахборий ва маслаҳат хизматлари учун тўланган суммалар;
- асосий воситалар объектларини етказиб бериш хатарини суғурталаш бўйича харажатлар;
- асосий воситалар улар орқали сотиб олинган воситачиларга тўланадиган ҳақлар;
- асосий воситаларни ўрнатиш, монтаж қилиш, созлаш ва ишга туширишга оид харажатлар;
- активдан мўлжал бўйича фойдаланиш учун уни ишчи ҳолатга келтириш билан бевосита боғлиқ бошқа харажатлар.

Тижорат банкларида чет эл валютасида сотиб олинган асосий воситалар балансда божхона юк декларациясини расмийлаштириш санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича миллий валютада акс эттирилади ва чет эл валютаси курсининг ўзгариши муносабати билан қайта баҳоланмайди.

Тижорат банкларида асосий воситаларни қурилиш йўли билан олинса, асосий воситалар дастлаб балансда қурилишнинг ҳақиқий таннархи бўйича акс эттирилади. Тижорат банкларида асосий воситаларни инвентарлаш чоғида аниқланган ортиқча асосий воситалар банк балансида бошқа операцион даромадлар сифатида акс эттирилади.

Текинга олинган асосий воситаларнинг қиймати қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳолаш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган мустақил экспертлар томонидан ёки асосий воситаларни қабул қилиш - топшириш ҳужжатларидаги маълумотлар асосида белгиланади. Тижорат банкларида асосий воситаларни ҳисобга олишнинг асосий қоидалар бўлиб уларнинг баланс қиймати ва ушбу активларга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган амортизация усуллари аниқлаш, шунингдек асосий воситаларнинг баланс қийматининг ўзгариши, амортизация ҳисоблаш тартиби ва уларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижаларни аниқлаш ва ҳисобга олиш ҳисобланади.

Асосий воситалар қуйидагилар натижасида банк балансига киритилади:

- 1) ҳақ эвазига сотиб олиш;
- 2) қурилиш ёки объектларни реконструкция қилиш йўли билан олиш;
- 3) текинга ёки субсидия кўринишида олиш;
- 4) молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олиш;
- 5) ортиқча (ҳисобга олинмаган) асосий воситаларни аниқлаш.

Асосий восита банкнинг бухгалтерия ёзувларида унинг қиймати аниқ (ишончли) баҳолангандагина тан олинади. Активдан келиб тушадиган келгусидаги иқтисодий фойда хизматларни сотишдан олинган тушум, харажатлар тежами ва банк активдан фойдаланиши натижаси ҳисобланган бошқа фойдаларни ўз ичига олади. Банк томонидан молиявий лизингга бериш мақсадларида сотиб олинган асосий воситаларнинг ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг алоҳида меъёрий - ҳуқуқий ҳужжати билан тартибга солинади.

Асосий воситаларнинг бошланғич (ҳақиқий) қиймат - тўланган солиқлар, божхона божлари ва йиғимларини, шунингдек активни ундан мўлжал бўйича фойдаланиш учун ишчи ҳолатига келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган етказиб бериш ва монтаж қилиш, ўрнатиш, ишга тушириш ва исталган бошқа харажатларни ҳисобга олган ҳолда, асосий воситаларни тиклаш (қуриш ва қуриб битказиш) ёки харид қилиш бўйича ҳақиқатда қилинган харажатларнинг ҳақиқий суммаси. Бошланғич қиймат шунингдек, банк активни харид қилиш чоғида ёки ушбу активдан асосий бўлмаган фаолият мақсадларида муайян давр мобайнида фойдаланиш натижасида унга нисбатан мажбуриятни ўз зиммасига олган дастлабки тахмин қилинган активни демонтаж қилиш ва йўқотиш ёки активни тиклаш харажатлари баҳосини ўз ичига олади.

Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати уларнинг ҳаққоний қийматини қайта баҳолаш санасида акс эттириш учун вақти - вақти билан қайта баҳоланади:

1. баланс қиймати - актив бухгалтерия балансида жамланган амортизацияси ҳамда қийматининг тушишидан йиғилган зарарлар чегирилгандан сўнг тан олинадиган сумма;
2. тугатиш қиймати - банк мазкур пайтда активнинг чиқиб кетишидан чиқиб кетиш бўйича кутилаётган харажатлар чегирилгандан сўнг оладиган, агар актив эскирган ва кутилаётгандек ҳолатда бўлса, унинг фойдали хизмат муддати охирида олинishi кутилаётган сумма;
3. ҳаққоний (реал) қиймат - активнинг жорий бозор қиймати ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳолаш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган мустақил экспертлар томонидан белгиланадиган қиймати;
4. тиклаш қиймати - асосий воситаларнинг банк бухгалтерия балансида қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолдаги қиймати;

5. фойдали хизмат муддати - банк активдан фойдаланишни кутаётган (ҳисоб - китоб) давр ёки банк ушбу активдан фойдаланишдан олишни мўлжаллаётган ишлар ва хизматлар миқдори;
6. амортизация (эскириш) - фойдали хизмат муддати мобайнида активнинг амортизацияланадиган қийматини банк харажатларига мунтазам тақсимлаш ва ўтказиш кўринишида эскиришнинг қиймат ифодаси;
7. амортизацияланадиган қиймат - активнинг тугатиш қийматини чегирган ҳолда молиявий ҳисоботларда кўрсатилган бошланғич (тиклаш) қиймати суммаси;
8. қийматни тушишдан зарар - активнинг баланс қиймати унинг тўланадиган қийматидан ошадиган сумма;
9. сотишнинг соф баҳоси - умумий шартларда хабардор қилинган, битимни амалга оширишни хоҳловчи, мустақил тарафлар ўртасида битимни амалга оширишда активни сотишдан олинадиган сумма;
10. фойдаланиш қиймати (қиммати) - активдан фойдаланишни давом эттиришдан ва унинг фойдали хизмат муддати охирида чиқиб кетишдан кутилаётган тахмин қилинаётган келгусидаги пул оқимларининг дисконтланган қиймати;

3.2. Асосий воситаларни қайта баҳолаш ва ҳисобда акс эттириш

ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида асосий воситаларни қайта баҳолаш асосий воситалар объектларининг бошланғич қийматини ҳаққоний қиймат даражасига мослаш мақсадида уларни вақти - вақти билан аниқлаштириш учун амалга оширилади. Асосий воситалар алоҳида объекти қийматини қайта баҳолаш ўтказилганда асосий воситаларнинг ушбу актив тегишли бўлган бутун синфи ҳам қайта баҳоланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 17 декабрь 2004 йилда 1434 - сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 27 ноябрь 2004 йилдаги 25/8 - сон Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси банкларида асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқнома асосан, банк мулкида, унинг хўжалик юретишида ёки тезкор бошқарувида бўлган барча асосий воситалар, шунингдек молиявий ижара бўйича учинчи томонда ижарада (лизингда) бўлган мол - мулк, жорий ижара бўйича учинчи томонга ижарага берилган мол - мулк, ишлаб турган ва фойдаланилмайдиган мол - мулк, консервацияда бўлган, ҳисобдан чиқаришга тайёрланган, лекин белгиланган тартибда тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилмаган мол - мулк, шунингдек тугалланмаган қурилиш объектлари ва ўрнатиш учун мўлжалланган ускуналар қайта баҳоланиши лозим.

Қайта баҳолаш банк томонидан мустақил равишда ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳолаш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган мутахассислар - экспертларни жалб этган ҳолда амалга оширилади. Асосий воситалар объектларининг ҳаққоний қиймати одатда уларнинг бозор қиймати ҳисобланади. Агар ҳаққоний қийматни тасдиқловчи, бозор маълумотларига асосланган ахборотлар мавуд бўлмаса, банк даромадга ёки алмаштиришнинг амортизацияланадиган қийматига асосланган усулни қўллаб ҳаққоний қийматни тахминан баҳолаши мумкин.

Асосий воситалар қийматининг тушиши активлар қийматининг тушишини ҳисобга олиш бўйича МҲХС талабларига мувофиқ кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 17 декабрь 2004 йилда 1434 - сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 27 ноябрь 2004 йилдаги 25/8 - сон Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси банкларида асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқномага асосан асосий воситаларни қайта баҳолаш учун қуйидаги усуллар қўлланилади:

1. Индекс усули.
2. Бевосита қайта баҳолаш усули.

Индекс усули билан қайта баҳолашда қайта баҳолаш санасидаги асосий воситаларнинг баланс қиймати ва ушбу активларнинг жамланган эскириши муайян индексдан фойдаланган ҳолда қайта баҳоланади. Сўнгра активларнинг қайта баҳоланган қиймати уларнинг баланс қиймати ва жамланган эскириши билан таққосланади ва фарққа тегишли бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади:

Мисол. ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида 2009 йил 25 майда банк 480000 сўм қийматга эга компьютерни сотиб олган ва уни 16535 “Мебель, мослама ва жиҳозлар” ҳисобварағида кирим қилган. Эскириш меъёри йиллик 20%.. 2010 йил 1 январда жамланган эскириш суммаси = 56000 сўм.

$$\frac{480000 \text{ сўм}}{100\% * 12} \times 20\% = 8000 \text{ сўм} * 7 \text{ ой} = 56000 \text{ сўм}$$

2011 йил 1 январ ҳолатига кўра жамланган эскириш суммаси (8000 * 19 ой) 152000 сўмни ташкил қилади. 2001 йил 1 январда компьютернинг бошланғич қиймати ва жамланган эскириши оммавий ахборот воситаларида чоп этилган коэффициентга (коэффициент 4 га тенг деб тахмин қиламиз) кўпайтирилади. 480000 x 4 = 1920000 сўм. - қайта баҳолашдан кейинги қиймати;

152000 x 4 = 608000 сўм. - қайта баҳолашдан кейинги жамланган эскириш суммаси.

Олинган натижалар компьютернинг бошланғич қиймати ва жамланган эскириши билан таққосланади ҳамда фарқ суммасига бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

$$1920000 \text{ сўм} - 480000 \text{ сўм} = 1440000 \text{ сўм}$$

Дебет 16535 "Мебель, мослама ва жиҳозлар" ҳисобварағи 1440000 сўм;

Кредит 31501 "Бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолангандаги қўшимча қиймат" ҳисобварағи 1440000 сўм

$$608000 \text{ сўм} - 152000 \text{ сўм} = 456000 \text{ сўм}$$

Дебет 30501 "Бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолангандаги қўшимча қиймат" ҳисобварағи 456000 сўм

Кредит 16539 " Мебель, мослама ва жиҳозларнинг эскириш суммаси" ҳисобварағи 456000 сўм

Бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилгандан сўнг ҳисобварақлар қолдиғи яъни:

16535 "Мебель, мослама ва жиҳозлар" ҳисобварағи 1920000 сўм,

16539 " Мебель, мослама ва жиҳозларнинг эскириш суммаси" ҳисобварағи 608000 сўм

30501 "Бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолангандаги қўшимча қиймат" ҳисобварағи 984000 сўм.

30501 "Бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолангандаги қўшимча қиймат" ҳисобварағига киритилган қайта баҳолашнинг мусбат натижаси ҳар ойда 31203 "Тақсимланмаган фойда (актив - пассив)" ҳисобварағига бевосита ҳисобдан чиқарилади.

Қайта баҳолашнинг ҳар ойда ҳисобдан чиқариладиган мусбат натижаси суммаси тегишли актив тиклаш қийматининг эскириш суммаси билан бошланғич қийматининг эскириш суммаси ўртасидаги фарққа тенг, яъни 1920000 сўмдан компьютернинг ойлик эскириши 32000 сўмни ва компьютер

бошланғич қийматининг эскириши 8000 сўмни ташкил қилади, бу фарк 24000 сўмга тенг. Бунда қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади:

Дебет 30501 "Бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолангандаги қўшимча қиймат" ҳисобварағи 24000 сўм

Кредит 31203 "Тақсимланмаган фойда" ҳисобварағи 24000 сўм

Асосий воситаларнинг тўлиқ тикланиш қиймати алоҳида объектлар қийматини баҳоланаётган айнан ўхшаш бўлган янги объектларнинг қайта баҳолаш санасида шаклланган, ҳужжатлар асосида тасдиқланган бозор нархлари бўйича бевосита қайта ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

Бевосита қайта баҳолаш усули қўлланилганда объектларнинг тўлиқ тикланиш қийматини ҳужжатлар асосида тасдиқлаш учун банкнинг хоҳишига кўра қуйидагилардан фойдаланилиши мумкин:

- тайёрловчи ташкилотлар ва уларнинг расмий дилерлари, товар - хом ашё биржалари, кўчмас мулк биржаларидан ёзма шаклда олинган худди шундай активга доир нархлар тўғрисидаги маълумотлар;
- қайта баҳолашни ўтказиш санасига ва асосий фондларни харид қилиш санасига МБ курсларининг нисбати сифатида белгиланадиган ҳисоб - китоб коэффициентини қўллаган ҳолда харид қилиш санасига ЭАВда асосий фондларнинг қиймати тўғрисидаги (тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганида) маълумотлар;
- тегишли давлат органларида мавжуд бўлган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;
- қайта баҳолашни ўтказиш даврида оммавий ахборот воситалари ва махсус адабиётларда эълон қилинган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;
- асосий фондлар қиймати тўғрисида баҳоловчининг ҳисоботи.

Асосий воситаларни бевосита қайта баҳолаш усули билан қайта баҳолашда тегишли асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олинган жамланган эскириши суммаси қайта баҳолашдан кейинги тикланиш қийматини қайта баҳолашдан олдинги қийматига нисбати тариқасида

ҳисоблаб чиқариладиган қайта ҳисоблаш коэффиценти бўйича индексацияланиши лозим.

Мисол. ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида 2009 йил 25 майда банк 480000 сўм қийматга эга компьютерни сотиб олган ва уни 16535 “Мебель, мослама ва жиҳозлар” ҳисобварағида кирим қилган. Эскириш меъёри йиллик 20%.. 2010 йил 1 январда жамланган эскириш суммаси = 56000 сўм. 2001 йил 1 январь ҳолатига кўра жамланган эскириш суммаси 152.000 сўмни (8.000 x 19 ой) ташкил қилади.

Асосий воситаларни бевосита қайта ҳисоблаш усули билан қайта баҳолашда тегишли асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олинган жамланган эскириши суммаси қайта баҳолашдан кейинги тиклаш қийматининг қайта баҳолашдан олдинги қийматга нисбати тариқасида ҳисоблаб чиқариладиган қайта баҳолаш коэффиценти бўйича индексланади. Қайта баҳолангандан кейин бошланғич қиймат активнинг баҳоланган ҳаққоний қиймати билан таққосланади. Тахмин қиламиз, ушбу компьютернинг бозор қиймати 800000 сўм. Ушбу ҳолда жамланган эскиришнинг қайта ҳисоблаш коэффиценти 1,66 га тенг бўлади:

$$800000 \text{ сўм} / 480.000 \text{ сўм} = 1,66$$

1,66 коэффицент бўйича қайта ҳисоблангандан кейин жамланган эскириш - 252320 сўм, яъни 152000 x 1,66 бўлади.

Қайта баҳолаш натижаси бўйича бухгалтерия ёзувлари:

Дебет 16535 "Мебель, мослама ва жиҳозлар" ҳисобварағи 320000 сўм;

Кредит 30501 "Бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолангандаги қўшимча қиймат" ҳисобварағи 320000 сўм

Дебет 30501 "Бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолангандаги қўшимча қиймат" ҳисобварағи 100320 сўм

Кредит 16539 "Мебель, мослама ва жиҳозларнинг эскириш суммаси" ҳисобварағи 100320 сўм

Бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилгандан сўнг ҳисобварақлар қолдиғи: 16535 "Мебель, мослама ва жиҳозлар" ҳисобварағи 800.000 сўм,

16539 "Мебель, мослама ва жиҳозларнинг эскириш суммаси" ҳисобварағи
252.320 сўм

30501 "Бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолангандаги қўшимча қиймат" ҳисобварағи 219.680 сўм бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, асосий воситаларнинг қайта баҳоланишнинг индекс усули билан қайта баҳоланишда қайта баҳоланиш санасидаги асосий воситаларнинг баланс қиймати ва ушбу активларнинг жамланган эскириши муайян индексдан фойдаланган ҳолда қайта баҳоланади. Асосий воситаларнинг тўлиқ тикланиш қиймати алоҳида объектлар қийматини баҳоланаётган айнан ўхшаш бўлган янги объектларнинг қайта баҳоланиш санасида шаклланган, ҳужжатлар асосида тасдиқланган бозор нархлари бўйича бевосита қайта ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

3.3. Асосий воситаларнинг тўлиқлиги ва бутлигини таъминлаш

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия хисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиали ўз активлари ва мажбуриятларини инвентаризация қилишлари лозим. Инвентаризациянинг мақсади ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиали асосий воситаларининг ҳақиқатда борлигини ва сифат ҳолатини аниқлаш, техник ҳужжатлар (транспорт, тавсифнома, лойиҳалар)ни текшириш ва бухгалтерия хисоби маълумотларини ойдинлаштиришдан иборат.

«Бухгалтерия хисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги Низом»га мувофиқ, асосий воситалар инвентаризацияси бир йилда камида бир марта йиллик ҳисобот тузишдан олдин ўтказилади.

Қуйидаги ҳолларда асосий воситалар инвентаризацияси муқаррар ўтказилади:

- Асосий воситалар объектлари ижарага берилганида ёки давлат тасарруфидан чиқарилганида;
- Йиллик бухгалтерия ҳисоботини тўзишдан олдин;
- Моддий жавобгар шахс алмашганида;
- Ўғирлик ва суиистеъмоллик ҳоллари аниқланганида;
- Ёнгин ва бошқа табиий офатлар юз берганида;
- Асосий воситалар қайта баҳоланганида;
- Банк тугатилганида ёки қайта ташкил қилинганда.

«Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» номли 19-сон БХМСга асосан асосий воситалар инвентаризациясини ўтказишдан олдин қуйидагиларни аниқлаш лозим:

- Инвентарь қарточкалар, инвентарь варақаларнинг мавжудлиги ва ҳолатини;
- Техник паспортлар ва бошқа техник ҳужжатларнинг мавжудлиги ва ҳолатини;
- Банкда ижара асосида, саклашга ёки вақтинча фойдаланишга қабул қилинган асосий воситаларнинг мавжудлиги ва ҳолатини.

Инвентаризацияни ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиали рахбари буйруги билан тайинланган комиссия ўтказди. Комиссиянинг вазифаси асосий воситаларни саклаш ва ундан тўғри фойдаланишни текширишдан иборат. Комиссия ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалига керак бўлмаган асосий воситаларни аниклаши ҳамда улар бўйича алоҳида рўйхат тўзиши керак. Инвентаризация яқунлари бўйича инвентаризация рўйхати тузилади. Рўйхат моддий жавобгар шахс ва комиссия томонидан имзоланади ва бухгалтерияга топширилади.

Асосий воситаларни инвентаризация қилиш натижасида аниқланган хақиқий мавжуд мулк ва бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ўртасидаги тафовутлар қуйидагича акс эттирилади:

ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида жорий йилда бошлангич қиймати 240000 сумлик жихоз камомати аниқланди. Жихозга ҳисобланган эскириш 160000 сум. Жихоз айбдор шахс топилмаганлиги сабабли давр харажатларига ўтказилди. Ушбу муомалаларга бухгалтерияда қуйидагича бухгалтерия ёзуви берилди:

➤ Бошлангич қийматни ҳисобдан чиқариш:

Дебет – «Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши» - 240000 сум;

Кредит – «Машина ва жихозлар» - 240000 сум.

➤ Эскириш қийматини ҳисобдан чиқариш:

Дебет – «Машина ва жихозлар эскириши» - 160000 сум

Кредит 9210 – «Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши» - 160000 сум.

➤ Камомат суммаси қимматликларнинг меърдан ортиқча табиий йуқолишидан қурилган талофатлари ҳисобга олиш ҳисоб-варағига ўтказилди $(240000-160000)=80000$:

Дебет – «Камоматлар ва қимматликларни шикастлашдан талофатлар» - 80000 сум;

Кредит – «Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чикиб кетиши» - 80000 сум.

- Агарда айбдор шахс аниқланмаса камомад суммаси давр харажатлари таркибида акс этирилади – 80000 сум:

Дебет – «Бошқа операцион харажатлар» - 80000 сум;

Кредит – «Камомадлар ва кимматликларни шикастланишидан талофатлар» - 80000 сум.

Агарда асосий воситалар камомади бўйича айбдор шахс аниқланса, камомад суммаси айбдор шахсдан ундирилади.

ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида ҳисобот йилида бошлангич киймати 500000 сумлик жихоз камомади аниқланди. Жихозга ҳисобланган эскириш 230000 сум. Жихоз киймати айбдор шахсдан икки ҳисса қилиб ундирилди. Ушбу муомалаларга бухгалтерия ҳисобида қуйидагича ёзув берилди:

- Бошлангич кийматни ҳисобдан чиқариш:

Дебет – «Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чикиб кетиши» - 500000 сум;

Кредит – «Машина ва жихозлар» - 500000 сум.

- Эскириш киймати ҳисобдан чиқарилди:

Дебет – «Машина ва жихозлар эскириши» - 230000 сум;

Кредит – «Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чикиб кетиши» - 230000 сум.

- Камомад суммаси кимматликларнинг меъёрдан ортиқча табиий йуқолишидан қурилган талофатларни ҳисобга олиш ҳисоб-варағига ўтказилди – 270000сум:

Дебет – «Камомадлар ва кимматликларни шикастланишидан талофатлар» - 270000 сум;

Кредит – «Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқача чикиб кетиши» - 270000 сум.

- Камомад суммаси икки хисса килиб ундириш асосида моддий жавобгар шахс зиммасига ўтказилди $(500000 - 230000) \times 2 = 540000$ сум:

Дебет – «Ўтказилган моддий зарани коплашда холимланинг карзи» - 540000 сум;

Кредит – «Камомадлар ва кимматликларни шикастланишидан талофатлар» - 270000 сум;

Кредит – «Ундирилган жарима, боқимонда ва бурдсизликлар» - 270000 сум.

Асосий воситаларни инвентаризация қилиш натижасида ортиқча мол-мулк мавжудлиги аниқланса, у фойда сифатида қирим қилинади:

Дебет «Асосий воситаларни ҳисобга олиш» ҳисоб-варақлари;

Кредит – «Бошқа операцион даромадлар».

ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида инвентаризация ўтказилиши натижасида 350000 сум бошланғич қийматга, 140000 сумдан иборат ҳисобланган эскиришга эга бўлган принтер камомати аниқланди. Принтернинг ҳозирги вақтдаги жорий бозор баҳоси – 300000 сум.

«Инвентаризация пайтида аниқланган, кам ёки ортиқча чиққан мол-мулкнинг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тартиби тўғрисида Низом»-га биноан (Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2004 йилнинг 6-апрелида 1334-сон билан рўйхатдан ўтказилган), асосий воситалар камомати аниқланган ҳолларда айбдор ёки моддий – жавобгар шахслардан ушбу мол-мулкнинг бозор қийматига тенг сумма, яъни 300000 сум ундирилади, айбдор шахслардан ундирилиши лозим бўлган сумма билан қолдиқ қиймат ўртасидаги фарқ эса худди бошқа операцион даромад сифатида акс эттирилади. Бунда бухгалтерия ёзувлари қуйидагича бўлади:

- ❖ бошланғич қийматнинг ҳисобдан чиқарилиши пайтида:

Дебет – «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» - 350000 сум;

Кредит – «Қомаютер жихозлари ва ҳисоблаш техникаси» - 350000 сум.

- ❖ Эскиришни ҳисобдан чиқариш пайтида:

Дебет – «Компютер жихозлари ва хисоблаш техникасининг эскириши» - 140000 сум;

Кредит – «Асосий воситаларнинг чикиб кетиши» - 140000 сум.

❖ Чикиб кетишларнинг бозор бахоси бўйича акс эттирилиши:

Дебет – «Моддий зарарларни коплаш бўйича ходимларнинг карзлари» - 300000 сум;

Кредит – «Асосий воситаларнинг чикиб кетиши» - 300000 сум.

❖ Асосий воситаларнинг чикиб кетишидан олинган фойданинг акс эттирилиши:

Дебет – «Асосий воситаларнинг чикиб кетиши» - 90000 сум;

Кредит – «Асосий воситаларнинг сотилишидан ва бошқача чикиб кетишидан олинган фойда» - 90000 сум.

Агар мазкур Принтер бўйича – «Мол-мулкни қайта баҳолаш бўйича тўзатишлар» ҳисоб-варагида қандайдир қайта баҳолаш (қушимча баҳолаш) суммаси йигилган бўлса, ушбу қушимча баҳолаш суммаси асосий воситаларнинг чикиб кетишидан олинган фойдани қупайтиради.

3.4. Асосий воситалар тўғрисидаги маълумотларни очиб бериш

Молиявий ҳисоботлар асосий воситаларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича қуйидаги ахборотларни очиб бериши лозим:

1. Ялпи баланс қийматни баҳолашда фойдаланилган баҳолаш учун асос;
2. Фойдаланилган амортизация усуллари;
3. Фойдаланилган фойдали хизмат муддатлари ёки амортизация меъёрлари;
4. Давр боши ва охиридаги бошланғич (тиклаш) қиймати ва жамланган амортизация (қиймати арзонлашишидан кўрилган жами зарарлар билан биргаликда);
5. Қуйидагилар кўрсатилган ҳолда давр боши ва охиридаги баланс қийматини солиштириб чиқиш:
 - келиб тушган асосий воситалар;
 - чиқиб кетган асосий воситалар;
 - компаниялар (банклар)ни бирлаштириш йўли билан ҳарид қилинган асосий воситалар;
 - қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ошиши ёки камайиши ҳамда бевосита капитал ҳисобварағида тан олинган ёки компенсацияланган қийматнинг арзонлашишидан кўрилган зарарлар (агар улар мавжуд бўлса);
 - фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда тан олинган қийматнинг арзонлашишидан кўрилган зарарлар (агар улар мавжуд бўлса);
 - фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда компенсацияланган қийматнинг арзонлашишидан кўрилган зарарлар (агар улар мавжуд бўлса);
 - амортизация;
 - молиявий ҳисобот кўрсаткичларини бошқа валюта турларига қайта ҳисоблашда, шунингдек ваколатли банкнинг ташқи иқтисодий фаолияти бўйича молиявий ҳисобот кўрсаткичларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича миллий валютада акс эттириш учун қайта ҳисоблашда юзага келадиган соф курс фарқлари; ва
 - бошқа ўзгаришлар.

Қўшимча равишда қуйидаги ахборотлар очиб берилиши лозим:

1. Мажбуриятларнинг таъминоти сифатида гаровдаги асосий воситалар мулк ҳуқуқи ва қийматига чекловлар;
2. Асосий воситалар предметини қуриш жараёнида унинг баланс қиймати таркибида тан олинган харажатлар миқдори;
3. Асосий воситаларни харид қилишга доир контрактлар бўйича мажбуриятлар суммаси;
4. Агар фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг асосий матнида алоҳида очиқ берилмаса, фойда ёки зарарни аниқлашда ҳисобга олинган қиймати арзонлашган, йўқотилган ёки берилган асосий воситалар предметлари учун учинчи шахслардан олинган компенсация суммалари.

Амортизация усулини танлаш ва активлар фойдали хизмат муддатини баҳолаш субъектив баҳолаш асосида амалга оширилади. Шунинг учун қабул қилинган усуллар ва баҳоланган фойдали хизмат муддатлари ёки амортизация меъёрларининг очиқ берилиши молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга раҳбарият томонидан танланган сиёсатни текшириш ва бошқа банклар билан таққослаш имконини беради. Шу сабабдан кўра қуйидагилар очиқ берилиши зарур:

1. Даврдаги амортизация ажратмалари суммаси;
2. Давр охиридаги ҳолатга кўра жамланган амортизация суммаси.

Банк жорий даврда сезиларли таъсир кўрсатадиган ёки кейинги даврларда муҳим таъсир кўрсатиши кутилаётган бухгалтерия баҳоларидаги ўзгаришларнинг характери ва миқдорини очиқ беради. Бундай очиқ бериш қуйидаги баҳолар ўзгарганида амалга оширилиши мумкин:

- тугатиш қиймати;
- тахмин қилинаётган асосий воситалар объектларини демонтаж қилиш ва йўқотиш харажатлари ва майдончаларни тиклаш харажатлари;
- фойдали хизмат муддати;
- эскириш ҳисоблаш усуллари.

Асосий воситалар объекти қайта баҳоланган қиймати бўйича акс эттирилиши сабабли қуйидаги ахборотлар очиқ берилиши лозим:

- ҳақиқий қайта баҳолаш санаси;
- мустақил баҳоловчи жалб қилиндими;
- моддалар ҳаққоний қийматини баҳолашда қабул қилинган усуллар ва муҳим йўл - йўриқлар;
- моддалар ҳаққоний қиймати амалдаги бозорда кузатилган нархлардан келиб чиққан ҳолда ёки умумий шартларда мустақил иштирокчилар ўртасида яқинда тузилган битимлар тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олган ҳолда бевосита аниқланган ёхуд баҳолашнинг бошқа усуллари ёрдамида ҳисобланган даража (меъёр);
- давр ичидаги ўзгаришларни кўрсатувчи қайта баҳолаш заҳираси ва ушбу ҳисобварақ қолдиғини акциядорларга тақсимлашдаги чекловлар.

Тавсия этиладиган бошқа очиб беришлар:

- вақтинчалик фойдаланилаётган асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати;
- бирор - бир тўлиқ амортизацияланган, лекин барибир фойдаланилаётган асосий воситалар объектининг бошланғич (тиклаш) қиймати;
- фойдаланиш тўхтатилган ва сотиш учун мўлжалланган асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати.

.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, Республикамиз иқтисодиётини ривожланиши ва унинг раванқ топишида банкларнинг тутган ўрни катта бўлиб, улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар натижасида нафақат ўзларини, балки хўжалик юритувчи субъектларни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишига ёрдам беради, ҳамда маҳсулотларни такрор ишлаб чиқариш имкониятларини яратади.

Тижорат банкларида асосий воситалар ҳисобини ташкил қилиш бўйича Республикамизда назарий ва ҳуқуқий асос яратилган.

Тижорат банкиларда асосий воситаларни таҳлил қилишнинг аҳамияти катта бўлиб, таҳлил қилиш натижасида асосий воситаларнинг таркиби бўйича, тури бўйича ўзгаришларига, асосий воситаларнинг ҳолат ва ҳаракат кўрсаткичларига муҳим эътибор қаратилади, бу орқали бевосита асосий воситаларнинг эскириш даражаси, яроқлилик даражаси, кирими ва чиқими кўрсаткичларига, ҳамда асосий воситаларнинг рентабеллигига баҳо берилади, шунингдек, рентабеллик кўрсаткичларини яхшилаш имкониятларини аниқлашга эришилади.

Бугунги кунда ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида асосий воситаларни қабул қилиш жараёнида бериладиган бухгалтерия ёзувларига тўхталиб ўтдик. Демак, бугунги кунда ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида асосий воситаларни қабул қилиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2008 йил 3 майдаги 11/5 - сонли Қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 11 июлда 1834 - сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган. “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида” ги Йўриқнома, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 22 май 1999 йилда №290 билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 13 июль 1999 йилда №773 рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида

бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси¹¹”си, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 17 декабрь 2004 йилда 1434 - сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 27 ноябрь 2004 йилдаги 25/8 - сон Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси банкларида асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқномадан тўлиқ фойдаланган ҳолда бухгалтерия ёзуви берилар экан.

Бугунги кунда тижорат банкларида ҳам асосий воситаларга амортизация ҳисоблашда хўжалик субъектларидаги каби усуллардан қўлланилади. Бу усулларни қўллаш тижорат банкларида фойдаланишга яроқсиз ҳолга келган асосий воситаларнинг қолдиқ қийматини камайтириш учун замин яратади.

ОАТБ «Микрокредитбанк» Балиқчи филиалида асосий воситаларни сотилиши ёки чиқиб кетиши бўйича ҳисобланган ҚҚС ва бошқалар учун берилган бухгалтерия ёзувлари Йўриномада келтирилганидек амалга оширилади.

Асосий воситаларнинг қайта баҳолашнинг индекс усули билан қайта баҳолашда қайта баҳолаш санасидаги асосий воситаларнинг баланс қиймати ва ушбу активларнинг жамланган эскириши муайян индексдан фойдаланган ҳолда қайта баҳоланади. Асосий воситаларнинг тўлиқ тикланиш қиймати алоҳида объектлар қийматини баҳоланаётган айнан ўхшаш бўлган янги объектларнинг қайта баҳолаш санасида шаклланган, ҳужжатлар асосида тасдиқланган бозор нархлари бўйича бевосита қайта ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

Тижорат банкининг асосий воситалар билан таъминланганлиги ва асосий воситалар билан қуролланганлигини ижобий деб баҳолаш мумкин.

Тижорат банкларида асосий воситаларнинг техник ҳолати ва ҳаракат кўрсаткичларини таҳлил қилиб бориш билан бир қаторда, банкнинг асосий

¹¹ Янги таҳрири ЎЗР АВ 13.08.2004 й. 773-17-сон билан рўйхатга олинган ЎЗР МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ тасдиқланган

воситалар билан таъминланганлиги даражасини ҳамда ходимларнинг асосий воситалар билан қуролланганлиги даражасини ҳам таҳлил қилиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ишнинг якунида қуйидагилар ишлаб чиқилди:

1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадлари учун узок муддатли кредитлар ажратиш механизмларини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, бошланғич капитални шакллантириш, микрокредитлар бериш кўламини кенгайтириш борасидаги ишларни давом эттириши натижасида даромадларни ошириш имконияти ортади.
2. Ғарб иқтисодий адабиётида тижорат банки харажатларини ички тақсимлаш масаласини илмий асосда ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Бунда асосий эътибор банкнинг ҳар бир функционал ва ҳудудий бўлинмасининг ялпи фойдани юзага келтиришдаги иштирокини ва ялпи харажатлардаги салмоғини аниқ белгилашга қаратилади. Характерлик томони тижорат банкларининг бевосита фойда келтирадиган бўлинмалари фаолиятининг самарадорлигини таъминлайдиган, лекин ўзи даромад келтирмайдиган бўлинмаларининг оқилона харажатлари миқдорини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Бундай бўлинмалар мажмуи харажат марказлари (ХМ) деб аталади. Республикамиздаги тижорат банкларида ҳам харажатларини ички тақсимлаш йўлга қўйилса, ортиқча харажатларни олди олинади.
3. Тижорат банкларида банк фаолиятини таҳлил қилишни йўлга қўйиш фаолиятни самарасини ошириш имкониятини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2003й.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонуни».Т., 1996 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуни (2000 йил 26 май)
4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. Т., 2008 й.
5. “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. – Т.: “Адолат”. 2003.
6. “Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. – Т.: “Адолат”. 2003.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Банк сирини тўғрисида” ги Қонуни. – Т.: “Адолат”. 2005.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва республика ҳамда маҳаллий бюджетларга тўловларнинг ўз вақтида келиб тушишини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 1998-йил 4-феврал.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини тўғрига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2008-йил 20-феврал, ПФ-3968.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада еркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони. “Ўзбекистон”. 2005-йил 10-июн.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодий модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2007-йил июл. Банк ахборотномаси. 2007-йил 17-июл № 28.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банклардаги депозит ҳисобварақларидаги нақд пулдаги тўловларни узлуксиз тўминлаш кафолатлари тўғрисида” 2005-йил 5-августдаги ПҚ-147-сонли Қарори.

13. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф етишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009 йил.

14. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: “Ўзбекистон”. 2010-йил.

15. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Т.: “Ўзбекистон” 2005-йил.

16. Абдуллайева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2007-йил.

17. Абдуллайев Ё., Қоралиев Т.М., Тошмуродов Ш., Абдуллайева С. Банк иши. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2009-йил.

18. Вереманко С.А. Сюрпризы рейтинга коммерческих банков. Банковское дело. №2, 2005 г.

19. Ключников М.В. Экономико-статистический анализ структуры и динамики показателей пассивных операций коммерческого банка. – М.: “Финансы и кредит”. 2002 г.

20. Муругова И.А. Операционная техника и учет в банках. – Т., ТМИ 2004.

21. Международные стандарты финансовой отчетности. – М.: “Аскери”. 2007.

22. Муллажонов Ф.М. Пул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатнинг 2010-йилга мўлжалланган асосий йўналишлари.//Бозор пул ва кредит. 2010-йил январ 1-сони.

23. Наврузова К.Н. ва бошқалар. Банк ҳисоби. “Фан ва технологиялар”. – Тошкент. 2007-йил .

24. Рашидов Ў.Ю. Пул, кредит ва банклар – Т.: ТДИУ, 2008-йил.

25. Ширинская З.Г. Нестерова Т.Н. Учет и операционная техника в банках. – М.: “Перспектива” 2007.

26. “Банк тизимини ислоҳ қилиш ва еркинлаштиришнинг устувор йўналишлари” мавзусидаги ИИ республика анъанавий илмий-амалий конференцияси материаллари. Тошкент. 2007-йил.

27. Бош Депозиторлар Миллий Ахборот Базаси ва унда мижозларга хосрақам бериш ҳақидаги 1145-сонли Низом. . 2002 йил 30 май

28. Банк молия тизимидаги ислоҳотларга бағишланади. // Банк ахборотномаси 2008-йил. №16.

29. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2008-йил.

Қўшимча адабиётлар

1. Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2008-йил 13-декабрдаги 28-4 сонли Қарори билан тасдиқланган йўриқнома.

2. Тижорат банклари фоизларни ҳисоблаш тўғрисидаги Низом. 1306-сон билан Адлия вазирлигида рўйхатга олинган. 2004-йил 30-январ.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режаси. 2005-йил. (2006-2010-йиллардаги ўзгаришлари билан).

4. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режаси. 2005-йил. (2006-2010-йиллардаги ўзгариш-лари билан).

5. “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритишни ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008-йил 3-майдаги 11/5-сонли қарори билан тасдиқланган 1834-сонли йўриқнома.

6. Ўзбекистон Республикасида “Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш ҳақида”ги 11/22- Низом. 2002-йил 12-январ (2002-2010 йилдаги ўзгаришлари билан).

7. Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги 1-сонли йўриқнома. 2009-йил 16-март 7/2-сонли қа-рори билан тасдиқланган (Адлия вазирлигида 2009-йил 27-апрелда давлат рўйхатидан ўтказилди).

8. Тижорат банкларида касса ишини ташкил қилиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқнома” Рўйхат рақами 1831, 2008-йил 27-июн, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2008-йил, 26-27-сон.

9. Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом. Рўйхат рақами 1545, 2006-йил 14-феврал.